№35 · 99 133

## Бу сафар Баҳрайнни енга оламизми? 14-бет




# Ishonch

*Insonga naf keltirish — oliy baxt*

2008-yil 3-iyul
№ 79 (2492)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✱ E-mail: ishonch-doverie@mail.ru ✱ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan




Эътироф 3



Эмас осон бу майдон ичра турмоқ... 4 — 5



Сўнгги васият 11





«Федерикосиз мен йўқман...» 12

**Ракурс**

# Фикрлаш азоб(ми?..)

Халқимизда «етти ўлчаб, бир кес» деган мақол бор. Аммо айримлар бундай «зерикарли сўзлар»нинг мағзини чақишга, ҳеч бўлмаса, ҳаётда битта исботини кўриб, хулоса чиқаришга «оқсайди». Кундалик турмушда содир бўладиган ҳар хил гап-сўзлар, майда-катта ташвишлардан «дастурхон» безаб, давомли нолийди. Баъзан хориж филмларини кўраётиб, ҳайратланаман. Қаҳрамонлар жуда катта фожеаларга дучор бўлса-да, ҳеч кимдан нолимайди, иккинчи бир одамнинг соатлаб вақтини олиб дардини дастурхон қилмайди. Бундай нохуш ҳолатларни кетма-кет бериб борилаётган сериаллару бугунги ҳаёт тарзимизда кўп учратамиз. Автобусда манзилга етгунча қулоқлар ғийбатдан битади. Маҳаллага кираверишда барчаси баробар гапириб, тинглашга одам тополмаётган аёллар ёнидан ўтишингиз билан мавзу сизга йўналади. Оила бошлиқлари — давангирдай эркаклар арзимаган уч-беш сўмини ололмаётганидан «додлаб» турган бўлади. Ҳолбуки, унинг муаммосини тинглаётган киши ҳал қилиб бермайди. Айтаётган ҳар бир гапини тафаккур чиғириғидан ўтказиб, «ростдан ҳам шу гапни айтиш керакми?», «шуни айтишдан нима фойда?» дея фикрлаш шунчалар қийинми? Йўқ, биз бу ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Кундалик «муҳим» ишимиз сериаллар таҳлили-ю, қўшнимизнинг ити неча бор ҳурганини санашдан иборат. Бизга фақат кўриниб турган нарсалар ҳақида гапириш осон. Ундан ташқарида бўлган борлиқ ҳақида фикрлаш — азоб! Нима демоқчи бўлаётганимни англагандирсиз?! Балки сиз томонларда бундай одамлар йўқдир.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ**



2008 ЙИЛ — ЁШЛАР ЙИЛИ

## Заринанинг зафарли одими

Гулистон тиббиёт коллежи талабаси Зарина Маҳкамова иқтидори туфайли кўплаб ютуқларни қўлга киритмоқда. У аъло баҳоларга ўқиш билан бирга ўқув юрти ҳамда шаҳар маданий тадбирларида фаол иштирок этади. Заринанинг шеърий машқлари ҳам таҳсинга сазовордир. Яқинда у яна бир муваффақиятни қўлга киритди. Ўзи фаол иштирокчи бўлган Гулистон тиббиёт коллежининг «Кўзмунчоқ» фольклор этнографик жамоаси Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган республика фольклор танловида фахрли 3-ўринни эгаллади.

**Муҳаммад КАРИМ олган сурат**

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига 2008 йил учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичларимиз: 133, 134

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига



# Эътироф

**Йўлдамиз...**
**Саратон қуёшида мавжланиб оқаётган Зарафшон дарёси тилла ортган карвонга ўхшайди. Жимирлаб кўзни қамаштиради. Олтиндек товланаётган ғаллазорлар фарзандига иссиқ нон улашаётган онадек азиз ва кўнгилга яқин. Уфққа чўзилган бу ғаллазорларга боқиб қувончдан қалбинг мавжланиб кетади...**
**Гармсел кўз очирмайди, иссиқдан томоқлар қақраб кетади. Бошига оппоқ дуррача боғлаб олган деҳқон аёллар даврасига қўшилиб муздеккина чалоб ичамиз.**
**Киприкларига чанг қўнган, шундоқ даласидан меҳмон истиқболига чиққан пешкулик фермер Фаттоҳ ака француз йигитига ажнабий тилда нималарнидир тушунтиради. У ҳайрат билан фермерга боқади. Франциялик тадқиқотчи Эрик Обернинг карашларида Ўзбекистонга, улуғ ибн Сино авлодларига эҳтиромни кўриб бошимиз осмонга етади...**



«Ревгар» спорт мажмуасидан кўркам, қоматлари расо бир гуруҳ ёшлар чиқиб келишади. Уч кунлик сафаримизда ҳамроҳлик қилган Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Мастура Саидова шу ерга келганда сабри чидамай ифтихор билан сўз бошлайди:

— Қаранг, Бухоронинг бугунги навқирон қиёфаси худди эртаклардагидек: Зарафшонимиз далаларга ҳаёт бағишлайди. Хирмонлар ғаллага тўла, одамларимиз нияти эзгуликка туташ, ёшларимиз соғлом. Буларнинг бари бизнинг бойлигимиз...

### КЎНГИЛНИНГ НУРЛИ ЙЎЛЛАРИ

Беш йиллар аввал бу аёл билан тасодифан бир йиғинда танишиб қолгандим.

— «Инсонга наф келтириш — олий бахт» тамойили касаба уюшма етакчиси учун нафақат шиор, балки қалб даъвати, кундалик иш мезонидир. Аммо, унутманг, ҳар бир инсоннинг тақдири жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Бир яхши мутахассиснинг иш вақтида жароҳат олиши ёки ҳалок бўлиши, шубҳасиз, жамиятга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, шикастланган кишининг оиласи, фарзандлари бўлиши муқаррар. Энди уларнинг тақдири не кечади? Шу боис касаба уюшма етакчиси ҳамиша ҳушёр бўлиши керак. Токи, иш вақтида ҳеч ким жароҳат олмасин, — деганди ўшанда у.

Ҳамроҳим — Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Шавкат Султоновдан сўрадим:

— Ким бу аёл?

— Танимайсизми? Танимаслигингиз, табиий. Чунки у жуда камтар, кам гапириб кўп ишлайди.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир жамоада Мастурахондек фидойилар борки, кўзга ташланмай юришади. Аммо бир кун ишга келмаса, дарров ўрни билинади.

У ҳақда Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Бибиражаб Муҳаммедова ҳам эҳтиром билан сўзлайди:

— Мастура ҳар бир ишда ўрнак, касаба уюшмасининг ҳақиқий жонкуяри. Қайси ишни унга топширсам, албатта, натижасидан кўнглим тўқ бўлади. Муҳими, эл бундан манфаат кўради.

### ОТАЛАР ИБРАТИ — ҲАЁТ ҲИКМАТИ

Ўша куни Мастура сўлғин кайфиятда уйга қайтди. Негадир сўнгги пайтларда иши юришмаётган эди. Отаси унинг руҳиятидаги ўзгаришни дарҳол фаҳмлади. Қизига чой дамлаб келишни буюриб, ўзи меҳмонхонага кириб кетди. Мастура чойни олиб кирганда у китоб ўқиб ўтирарди. Пиёлага чой қуйиб узатган қизига ўтир дегандек қаршисидан жой кўрсатди.

— Агар ишинг юришмаётган бўлса, кўпроқ ҳаракат қил. Шунда ҳам юришмаса, ҳаракатни икки-уч ҳисса ошир. Барибир ишинг юришмаса, сен учун биттагина йўл қолади, у ҳам бўлса тинимсиз ҳаракатдир, — отаси китобдан бош кўтариб, чойдан бир ҳўплади-да гапида давом этди. — Бу донолар сўзи — ҳаёт ҳикмати. Ўзингга ишон, қаддингни баланд тут. Шуни қулоғингга яхшилаб қуйиб ол. Машаққат чекиб ниятингга эришсанггина эл назарига тушасан. Одам шундай яшамоғи керак.

Мастура отасининг ўгитига амал қилиб, кам бўлмади. Отаси Нусрат Саидов шундай доно одам эди. Кўзингга қараб кўнглингдагини биларди. Уруш кўрган, қатор-қатор орден-медаллар кўксини тўлдирган Нусрат ака шу хислати боис оддий ишчиликдан раҳбарлик лавозимига кўтарилди. Қаерда, қай лавозимда ишламасин, аввал халқни ўйлади. Турмуш ўртоғи билан оқил фарзандлар тарбиялаб, барини ўқитди, элга қўшди. Пайғамбар ёшида барча эзгу фазилатларини фарзандлару шогирдларига мерос қолдириб, оламдан ўтди.

Мастура ана шундай маърифатли, оқибатли оилада, Ғиждувонда туғилиб, камолга етди.

Тошкент политехника институтини тугатиб, Навоий электрокимё заводида смена бошлиғи сифатида иш бошлади. Турмушга чиққач, Қоракўл туманидаги маҳаллий буюмлар ишлаб чиқариш фабрикасида, кейинчалик вилоят маҳаллий саноат бошқармасида муҳандис сифатида катта билим ва малакага эгалигини кўрсатди. 1989 йили ҳаётида туб бурилиш юз берди. Вилоят касаба уюшмалари кенгашининг меҳнат техник нозири, сўнг меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси, бўлим мудири вазифаларида фидойилик кўрсатди. «Ишон, аммо вақти-вақти билан текшириб тур» — унинг шиори шундай.

### КАСАБА УЮШМАСИ ҚУДРАТЛИ БЎЛСА...

— Иқтисодиётни ривожлантиришга қанча маблағ сарфланмасин, инсон манфаатлари эътибордан четда қолса, ҳеч қачон кутилган натижани бермайди, — дейди Мастура Саидова. — Негаки, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳар нарсадан устун.

Аммо бу масала аксарият жамоа шартномаларига киритилганига қарамай, баъзи корхоналардаги асбоб-ускуналар эскирган, ҳарорат, ёритиш, ҳаво алмаштириш тизимлари қониқарсиз аҳволда. Айримларида ишчилар махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан етарлича таъминланмаган. Бу эса уларнинг саломатлигига хавф солиши тайин. Бунинг олдини олиш учун вилоятдаги барча корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди. Жумладан, 2006 йили 256 та касаба уюшмаси фаолияти ўрганилганда меҳнат муҳофазаси бўйича қонун ва қоидалар бузилган 1966 та ҳолат аниқланиб, шундан 1833 таси бартараф этилган. Ўтган йили эса 335 та текширувда 1151 та қоидабузилиш кузатилиб, 1074 таси жойида ҳал қилинди. Бу рақамлар Мастурахон амалга ошираётган ишлар нечоғли самара бераётганидан далолат беради.

М.Саидованинг бевосита ташаббуси билан 2005 — 2007-йилларда рўй берган бахтсиз ҳодисаларнинг сабаблари таҳлил этилиб, давлат меҳнат инспекторлари билан иш олиб борилди. Санитария-эпидемиология ва ёнғин хавфсизлиги назорати органлари билан биргаликда ҳар йили болалар оромгоҳларида мавсумга тайёргарлик ишлари текширилади. Шу боис қатор йиллардан бери болаларнинг таътили завқли ва бехавотир ўтмоқда. Қолаверса, касаба уюшмаси фаоллари иштирокида қишки мавсумга тайёргарлик текширилиб, камчиликлар назоратга олинади. Натижада, касалликларнинг келиб чиқиши ҳам камаяди.

Ижтимоий шерикчилик асосида фаолият юритаётган 124 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган камқон, тиббий ёрдамга муҳтож 783 нафар аёлни бепул даволаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда ўтган йили иш берувчилар томонидан 9 млн. 588 минг сўм, 118 та корхонада 141 нафар аёлга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейин ҳақ тўланадиган таътиллар узайтирилиб, бунга 26 млн. 132 минг сўм маблағ сарфланди.

### МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ОЙЛИГИ

Ўша куни эрталаб электромонтёр Икром Раҳматов яхши кайфиятда ишга отланган эди. Аммо уйига қайтиш унга насиб этмади. Бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этди. Уч фарзанди отасиз қолди. Тўғри, унинг оиласига салкам 9 млн. сўмлик товон пули тўланди. Афсуски, бу пул оилаға ота меҳрини қайтариб бера олмайди. Ҳолбуки, хавфсизлик қоидаларига риоя қилинганда бундай кўнгилсиз ҳодиса юз бермаслиги мумкин эди. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилиши, шубҳасиз. Мастурахон бундай ҳолларда ҳамиша муросасиз, сергак. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга асосан меҳнат ногиронлари, боқувчисини йўқотган оилаларга етказилган зарар учун маблағ корхоналар томонидан тўланади. Мастурахон ана шу маблағни вақтида меҳнат шароитини яхшилашга сарфлашганида бундай кўнгилсиз воқеалар бўлмаслигини ҳар бир иш берувчи, айниқса, буни назорат қилувчи касабақўмларга уқтиришга ҳаракат қилади.

Инсон ҳаётига хавф соладиган нохуш воқеаларнинг олдини олиш мақсадида Мастура Саидованинг ташаббуси билан ўтган йили 28 апрел — Умумжаҳон меҳнат муҳофазаси кунига бағишлаб 10 апрелдан 10 майгача касаба уюшма ташкилотларида тажриба тариқасида «Меҳнат муҳофазаси ойлиги» ўтказилди. Ойлик доирасида семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ташкил қилинди. Услубий тавсияларнинг ҳар бир етакчига етиб бориши ва унга амал қилиниши устидан назорат ўрнатилди.

### ОНА ИЗИДАН

— Ҳаёт аслида эзгулик заминига ўхшайди, — дейди қаҳрамонимиз. — Ерга нима ташласанг шуни оласан. Ҳеч ким арпа экиб буғдой ололмайди. Аммо негадир баъзи одамлар парваришланмаган ниҳолдан ширин мева кутишади.

Мастуранинг сўзи билан иши бир, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам қадр-қимматини билади, ҳамиша эл ишига камарбаста.

Турмуш ўртоғи Мустафо Жўраев ҳам эл ишига фидойилардан. У ҳамиша хотинини қўллаб-қувватлайди, керак пайтда ёрдамини аямайди. Уни ана шу фазилатлари учун ардоқлаб яшайди. Шу боис уларнинг оиласига ҳамманинг ҳаваси келади. Қизи Наргиза Тошкент давлат юридик институтини тугатган. Унинг орзуси суд-ҳуқуқ тизимида ишлаш эди. Аммо ота-онаси унга шундай маслаҳат берди:

— Ҳуқуқий соҳадаги назарий билиминг етуклигига шубҳа қилмайман. Аммо ҳаётда шундай воқеалар бўладики, бундай пайтда назарий билимларнинг ўзи камлик қилади. Суд-ҳуқуқ тизими аксарият ҳолларда қонунлар асосида иш кўради, касаба уюшмаси эса бевосита корхоналарда одамлар билан мулоқотда бўлиб, қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб боради. Яхши ҳуқуқшунос бўламан десанг, аввал ҳаёт сабоғини ўрган. Одамлар дардига қулоқ тутишни, қалбига йўл топишни яхшилаб билиб ол.

Ота-она ўгити Наргиза учун ҳаёт сабоғи бўлди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши ҳуқуқшуноси сифатида икки йилдан бери самарали фаолият кўрсатмоқда. Юраги эзгуликка тўла маориф аҳлининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялашга қизи ҳам ҳисса қўшаётганидан Мастурахон жуда қувонади. Ҳамкасблари эса уларга ҳавас қилади.

Иккинчи қизи Нилуфар ҳам мактабни аъло баҳоларга тугатиб, ўтган йили Тошкент давлат юридик институтига ўқишга кирди. Унинг ҳам нияти онаси ва опасидек касаба уюшма тизимида ишлаш. Оиланинг кенжатойи Олимжон Бухоро давлат университети қошидаги академик лицейда ўқийди. Унинг ҳам орзулари бир жаҳон. Оиласидаги анъанага содиқ қолиб, элга нафи тегадиган мутахассис бўлиш. Зеро, донолар башорат қилганидек, олманинг остига олма тўкилади, чинорлар илдизидан эса чинорлар кўкаравериди.

**Амина ҚОДИРОВА**




# Эмас осон бу

Бугун энг кўп гапирилаётган мавзу, шубҳасиз, тест жараёнларига тегишли. Боиси, дорулфунун аталмиш қасрга киришни истовчилар кўп, ичкарида эса ўрин саноқли.

Давлат тест маркази директори *Баҳром ИСМОИЛОВ*га ушбу жараён билан боғлиқ энг муҳим жиҳатлар ҳақида бир неча савол билан мурожаат этиб, қуйидагича жавоб олдик.

# Тест ўтказиш тартиби ўзгаришсиз қолдирилди




***— Олий ўқув юртларига абитуриентлар орасидан энг муносибларини танлаб олиш, шубҳасиз, мамлакат равнақига дахлдор ҳодиса. Шу маънода, имтиҳон жараёнида тест усулининг жорий қилиниши юртимиз таълимида қандай ўзгаришлар ясади? Зотан, ҳар қандай ислоҳотнинг ижобий ва салбий жиҳатлари бўлади...***

— Ўзбекистонда юқори малакали кадрлар тайёрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ҳозирги кунда таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларни ва ўқув муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш жараёнларини амалга оширишда тест синовлари асосий воситага айланди.

1992 йил 11 мартда Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул тизимини такомиллаштириш ҳақида»ги фармони ва ушбу фармонга мувофиқ 1992 йил апрел ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Олий ўқув юртларининг айрим йўналишларига қабулни тажриба сифатида тест синовлари орқали ўтказиш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекисон Республикаси талаба танлов марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ўзбекистонда МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб олий таълим муассасаларига талабаларни танлов асосида қабул қилиш учун тест синовлари жорий этилди. Бу ўз навбатида таълим муассасаларига талабаларни қабул қилишда холисликни ҳамда ҳамма абитуриентлар учун бир хил шароитни таъминлади.

Ўтган давр ичида тест синовлари бирмунча такомиллашди. Хусусан, олдин икки вариантда ўтказилган бўлса, ҳозирги кунда кўп вариантли тизимда, яъни аудиторияда ҳар бир абитуриентга алоҳида вариант билан ўтказилмоқда.

***— Олий ўқув юртларида тўлов-шартномага асосланган квоталарнинг йилдан-йил ошиб бораётганини қандай изоҳлайсиз?***

— Ёшлар ўртасида олий маълумот олишга қизиқиш йилдан-йилга ортмоқда. 1995 йилда абитуриентлар сони ўрта махсус таълим муассасаларига кирувчилар билан биргаликда 162.000 нафарни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб фақат олий таълим муассасаларига киришга талабгорларнинг сони 345.283 нафарни ташкил этди.

Кундузги бўлимларда бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 2002 йили 51.100 тани ташкил этган бўлса, 2008 йилда 58.000 та қилиб белгиланган. Шундан 19.945 таси давлат гранти, 38.055 таси эса тўлов-шартнома асосидадир. Бу ўтган йилга қараганда 6396 та кўпдир. Давлат гранти бўйича квоталар бир неча йилдан бери камайтирилмасдан, бир хил миқдорда қолдирилган. Тўлов-шартнома асосидаги квоталар эса йилдан йилга ортиб бормоқда.

Қабул квоталарида Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 1 апрелдаги «Реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб мавжуд бўлган малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши билан тузилган махсус Республика комиссиясининг олий таълим муассасалари битирувчилари ҳамда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш асосидаги таклифлари эътиборга олинган.

***— Адашмасам, 2002 йилдан бошлаб республикамиздаги академик лицейларга кириш имтиҳонлари йўналишли 3 та фандан йўналишсиз 6 та фанга ўзгартирилган эди. Бу ислоҳот қай даражада самара берди?..***

— Бу савол Давлат тест марказига тааллуқли эмас.

***— Бу йилдан эътиборан тест жараёнларига айрим ўзгаришлар киритилди. Хусусан, аниқ фанлар йўналишига Ўзбекистон тарихи, гуманитар йўналишга математика, табиий фанлар йўналишига физика қўшилди. Қолаверса, саволлар сони ҳам 36 тадан 27 тага туширилди. Бу ислоҳотдан кўзланган мақсад нима? Ахир шу кунгача ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида аниқ йўналишга асосланган ҳолда таълим берилган-ку!..***

— Олий таълим муассасаларига қабул қилиш учун ўтказиладиган тест синовларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган таҳлиллар ва олдинги йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бу йилги кириш тест синовларини ўтказиш тартиби, фанлар мажмуаси (3 та фан), тўғри жавобларни баҳолаш мезонлари ва тест синови учун ажратилган вақт меъёрлари аввалги йиллардагидек ўзгаришсиз қолдирилди. Тест синовлари олдинги йиллардагидек бир кунда, яъни 1 августда ўтказилади.

***— Сир эмас: ҳар йили аксарият ота-оналар имтиҳон жараёнидаги ғирромликлар («бункер», «сотка олиб кириш», «ўрнига одам киритиш», шпаргалкалар)га нисбатан назорат сустлигидан нолишади. Бу йил ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида бирор-бир янги чора-тадбирларни қўллаш режалаштирилганми?***

— Тест жараёни давомида абитуриент тест қоидаларига кўра уяли алоқа воситалари, шпаргалкалардан фойдаланса, ўрнига бошқа одамни киритса, бошқа абитуриентларга ёрдам берса, тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва далолатнома тузилиб, синовдан четлаштирилади.

Ҳужжатларни сохталаштириш, «сохта» абитуриентларнинг ҳужжат топшириши ва тест синовларида қатнашишининг олдини олиш ва ушбу ҳолларни тезкорлик билан аниқлаш юзасидан Давлат тест маркази ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва жойлардаги ички ишлар органларига етказилди.

Олий таълим муассасалари ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида ўқишга кириш истагини билдирган ёшлар ва уларнинг ота-оналарига ҳужжатларни расмийлаштириш ва тестларни ўтказиш билан боғлиқ тартиб-қоидалар, шунингдек, Жиноят кодексининг 228-моддасида расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш учун жавобгарлик белгиланганлиги тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боради.

***— Шу кунларда бутун Тошкент бўйлаб миш-миш кезиб юрибди: эмишки, 1 июл арафасида тест жараёни ўзгаришсиз қолганлиги ҳақида расмий эълон берилар экан. Шу ростми?..***

— Тест синовини ўтказиш тартиби ўзгаришсиз қолганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинди ва суҳбатлар чоп этилди.

**Умид ЯЪҚУБОВ**
**суҳбатлашди**

***Албатта, ҳар бир ислоҳот — кўҳна далаларга янгидан қадалган уруғ дегани. Лекин мўл ҳосил олишни истаган деҳқон дуч келган маҳалда уруғ экавермайди. Етилган вазиятда ёруғ келажакка ишонч билан ўтказилган ислоҳот, шубҳасиз, ақлли тадбирдир.***

***Шу йилнинг 1 март куни «Ma'rifat» газетасида Давлат тест маркази томонидан «2008 йилдан бошлаб олий таълим муассасаларига кириш учун ҳужжат топширган абитуриентлар энди учта эмас, балки тўртта фан бўйича тест синовларидан ўтишади» деган маълумот чоп этилганида аксарият талаба бўлиш иштиёқида юрганлар гангиб қолгани чин. Боиси, имтиҳонга борйўғи 5 ой вақт қолган, тайёргарлик ритми бир меъёрга тушган ва энг муҳими барча изланиш маълум бир йўналишга бўйсундирилган эди. Бироқ ўшанда табиий-илмий, техник йўналишларга — Ўзбекистон тарихи, тиббий йўналишларга — физика, гуманитар йўналишларга эса математика фанларининг киритилиши «олий маълумотли мутахассис ҳар бир соҳада етук бўлиши, ўзининг билими, дунёқараши, маънавий салоҳияти билан бошқалардан ажралиб туриши лозим»лиги билан изоҳланган эди: «тарихни ўрганиш — ўзликни англаш, математика — мантиқий мушоҳада этиш, физика эса замонавий технологияларни чуқурроқ билишга имкон беради».***

***Биз Давлат тест марказига саволлар тайёрлаётганимизда (10-16 июн) тест синовлари ўзгаришсиз қолганлиги тўғрисида бирор-бир расмий маълумотга кўзимиз тушмаган эди. Акс ҳолда юқоридаги мусоҳаба ўзгачароқ кечган бўларди. Лекин 18 июн куни «Ma'rifat» ва «Hurriyat» газеталари орқали «Республика олий таълим муассаларининг бакалавриат йўналишларига талабаларни қабул қилиш учун ўтказиладиган тест синовларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган таҳлиллар ва аввалги йил тажрибасидан келиб чиққан ҳолда» кириш тест синовлари ўзгаришсиз қолдирилганлиги маълум қилинди. Лекин «Ma'rifat»даги суҳбатда ҳам нега қўшимча фан қўшишга қарор қилингани-ю, нега яна бу қарордан қайтилгани ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Имтиҳонга 5 ой вақт қолганида бакалавриат таълим йўналишлари ва уларга мос тест синовлари ўтказиладиган фанлар рўйхати эълон қилиниб, сўнг 1-августга бир ярим ойча муддат қолганида барчаси ўзгаришсиз қолдирилганлиги бўлажак абитурентларни ҳам, уларнинг ота-оналари-ю ўқитувчиларини ҳам анча шоширган бўлиши керак.***

***Нима бўлганда ҳам энди вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Тест синовларининг ўзгаришсиз қолганлиги балки бир томондан ижобий ҳамдир. Бир сўз билан айтганда, барчамизнинг ниятимиз ягона — шу ватан тараққиёти учун ҳисса қўшиш. Зотан, бугун қадди расо ниҳолдан эртага бақувват дарахт бўлмоқни кутиш мумкинлигини мудом ёдда тутишимиз жоиздир.***

# майдон ичра турмоқ...

**Ҳар йилгидай талаба бўлиш иштиёқида ёнаётган минглаб йигит-қизлар ҳаяжон билан ўзлари танлаган олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ҳужжат топшира бошлади. Қабул жараёнини кузатар эканмиз, орзулари бўйидан баланд бўлган ана шундай ёшларнинг фикрларини билгимиз келди.**

## Яна бирпасда ёз келди

**Элбек Абдуллаев, 20 ёшда:**

*— Мен ЎзМУнинг ўзбек филологияси факультетига иккинчи бор ҳужжат топшираяпман. Биринчи йили анча ҳаяжонланганман. Шу боис тест жавобларини белгилаш жараёнида хатога йўл қўйган жойларим бўлган. Насиб этса, бу сафар бехато ишлашга ҳаракат қиламан.*

**Беҳзод Ҳимматов, 23 ёшда:**

*— Ҳар йили ишларимни бир ёқли қилиб, кейин ўқишга тайёргарлик кўриш учун шаҳарга келаман. Тест саволлари танишдай туюлаверади. Лекин давомли ўқиб турмаса, унутилиб борар экан. Баъзан қишлоқдаги ҳамма ишларни ташлаб, йил бўйи тайёргарлик кўргим келади. Начора, яшаш учун курашиш керак.*

*Бу йил ҳам кеч келдим. Аммо умидим янги чиққан ҳилолдай порлаб турибди...*

**Зафар Файзиев, 21 ёшда:**

*— Биринчи бор имтиҳонга кирганимда университетнинг, кўзойнак таққан домлаларнинг салобати босган, ҳаяжоним кучли бўлганди. Шартнома асосида ўқишга қабул қилинишимга озгина қолганди ўшанда. Кейин ҳарбий хизматга кетдим. Яхши хизмат қилиб, ўқишга кириш учун йўлланма ҳам олиб келдим. Ҳозир «Мовароуннаҳр-Зиё» ўқув марказида ўқияпман. Ҳужжатларимни ЎзМУнинг тарих факультетига топширмоқчиман. Саволлар ичида «Фалон воқеадан фистон йил олдин (ёки кейин) нима воқеа бўлган эди?» деганга ўхшаш ғашни келтирувчиларини ҳам учратиб қоляпман. Бу тарздаги савол билан нимани аниқлаш мумкин. Саволни аниқроқ қўйиш керак эмасми?!*

Биз яна бир неча абитуриентнинг мулоҳазаларини тингладик. Уларнинг баъзилари фақат бюджетга кирсагина ўқиши мумкинлигини айтишди. Суҳбатимиз сўнгида уларга ниятларининг ижобат бўлишини тиладик.

Омад ёр бўлсин, абитуриентлар!

**Абдул ЛАТИФ ёзиб олди.**



**Бугун кўча-кўйда папка «қучоқлаган» абитуриентларга тез-тез кўзимиз тушади. Уларнинг орзу-умидлари бир дунё, қалби ҳаяжонга тўла. Бироқ шаҳар кўчаларида бошқача манзарани ҳам кузатиш мумкин. Яъни, аҳоли гавжум жойлар, бекатлар «шпаргалка, гарантияси 99 фоиз, барча фанлардан бор» деган «реклама»га тўлиб кетган. Ёнига жимжимадор қилиб телефон рақамларини ҳам ёзиб қўйишибди. Ҳатто айрим жойларда «шпаргалка, шпаргалка» дея содда абитуриентларни авраётган муғомбирларни ҳам учратишингиз мумкин. Бу ҳолатларга айрим абитуриент ва талабаларнинг муносабати билан қизиқдик.**

## «Шпаргалканинг баҳоси қанча?..»

**Фарҳод ИБРОҲИМОВ, Тошкент вилояти Бекобод тумани:**

*— Бу йил иккинчи марта ҳужжат топширишим. Ўтган йили Ўзбекистон миллий университетига кира олмаган эдим. Шунинг учун навбатдаги қабулга пухта тайёрландим. Бугун ЎзМУнинг фалсафа факультетига ҳужжат топшираяпман.*

*Одам аввало ўзига, ўзлаштирган билимига ишониши лозим. Бу шпаргалкалар абитуриентни фақат чалғитади, холос. Мисол учун, бултур тест синовлари жараёнида шпаргалка ва «сотка»дан фойдаланмоқчи бўлган баъзи абитуриентлар синовдан четлаштирилганининг гувоҳи бўлганман. Менимча, талабалик бахтига муяссар бўлишнинг ягона йўли — ўз кучига ишониш.*

**Носир ҚИЁМОВ, ЎзМУ тарих факультети 2-босқич талабаси:**

*— Мен уч йил абитуриент бўлганман. Баъзан тўплаган балларим анча паст бўлса, баъзида озгина балл етмай қолган. Лекин нима бўлганда ҳам тайёргарликни тўхтатмадим. Насиб қилган экан, ўтган йили ўқишга кирдим. Шпаргалкалар масаласида менга ҳам ҳар хил таклифлар бўлган. Лекин барчасини рад этдим ва бугун тўғри йўл тутганимдан хурсандман.*

Кўриниб турибдики, ҳаётда ўз олдига аниқ мақсад қўйган, мустақил фикрга эга ёшлар талайгина. Абитуриентлар, уларнинг сафига қўшилинг. Мабодо ҳар кимнинг «маслаҳат»ига амал қилаверсангиз, бу йил ҳам синовлардан ўтолмай қолишингиз, шубҳасиз. Ўз кучингизга ишонинг!..

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Савол қийин эканми?

***Биринчи август яқинлашгани сари абитуриентлар юрагидаги ҳаяжон ҳам ортиб боради. Эътиборингизга ҳавола қилинаётган мулоҳазалар уларнинг тайёргарлиги эмас, балки тест ва унинг даражаси ҳақида. Таълим тизимидаги ислоҳот натижаси ўлароқ вужудга келган бу усул олий ўқув юртига киришда адолатли мезон вазифасини ўтаб келмоқда. Бироқ баъзи тест саволларининг мураккаблиги кишини ўйга толдиради. Айрим саволлар мактаб таълим дастурларидан четга чиққандек. Бу борадаги фикрларни билиш мақсадида бир нечта мутахассисга юзландик.***

**Нилуфар ОЙМАТОВА, она тили ва адабиёт ўқитувчиси:**

— Бир неча йилдан бери репетиторлик қиламан. Ўз кучи ва иқтидорига ишонган киши ҳар қандай синовдан ўта олади. Шогирдларим онгига ҳам шу фикрни сингдириб бораман.

Йилдан-йилга саволлар мураккаблашиб, ўқувчидан янада эътиборли, зийрак бўлишни талаб этмоқда. Бироқ тест вариантларини кўздан кечирарканман, баъзи саволлар кўп вақтимни олади. «-дуқ, -дук қўшимчалари қандай сўзлар ясайди?». Бу каби саволлар жавобини мактаб дарслигидан эмас, бакалавр босқичида ўқитиладиган «Ўзбек адабий тили тарихи» курсидан излаш кераклиги аён-ку!?

Шундай «мулоҳазали» саволлардан яна бири: «Қуйидаги қаҳрамонлардан қай бири ўз канизаклари олдида тиз чўккан?». Жавобнинг тўғри вариантини белгилаш учун «Лайли ва Мажнун» достони билан тўла танишиб чиқиш талаб этилади, чунки достоннинг айни шу парчаси дарсликларнинг ҳеч бирида берилмаган. Мумтоз адабиёт намуналари билан боғлиқ саволларнинг аксарияти дарсликдан ташқарига чиқишни, яъни муайян фигураларнинг «Девон»лари билан тўла танишишни талаб этади. Абитуриентми, адабиёт ихлосманди бўлган бошқа кишими, бу асарларни ўқиш орқали маънавий оламини бойитади. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиш учун бадиий адабиёт намуналарининг барчасини ўқиб чиқиш, аниқроғи дарсликдан ташқарига чиқиш абитуриент зиммасига анчагина масъулият юклайди. Унинг учта фан доирасида шундай тинимсиз ўқиш мажбуриятини эсласак, бу юкни аниқроқ тасаввур қилишимиз мумкин.

**Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА, кимё фани ўқитувчиси:**

— Яхши фикр. Тестни бироз соддалаштириш орқали абитуриентда ўзига ишонч ҳиссини оширган бўлармидик. Эҳтимол, «бункер», «сотка», «вундеркинд» каби усуллар ўз-ўзидан йўққа чиқар.

Синглим имтиҳон топширган йили кўпроқ ўзим ҳаяжонландим. Имтиҳондан сўнг ёдида қолган саволларни таҳлил қила бошладик. Иккиланган саволларини бир бошдан айта бошлади: «Қуйида келтирилган карбокатионларнинг турғунлиги ортиб бориш тартибини ва унинг сабабини кўрсатинг.

1. $R-\overset{+}{C}H-R$
2. $R-\overset{+}{C}H_2$
3. $(R)_3C$
4. Бирламчи карбокатион турғунлиги заряднинг мумкин қадар камроқ тарқалиши билан боғланган.
5. Карбокатион заряди кўпроқ углерод атомларига тарқалиши натижасида турғун ҳолга ўтади.

a) 1, 2, 3, 4;
b) 2, 1, 3, 5;
c) 1, 2, 3, 5;
d) 3, 1, 2, 4;
e) 3, 1, 2, 5»

Ҳайрон бўлиб қолдим. Ахир биз бу мавзуни олий ўқув юртининг учинчи босқичида ўрганган эдик. Қизиқиб барча дарсликларни титкилаб чиқдим. Йўқ. Балки, бу саволга жавобни энди чиқажак дарсликлардан топармиз.

**«Ishonch» мухбири**
**Дилдора РАҲМОНОВА ёзиб олди**



Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети республикамиз ёшларини ўзига энг кўп жалб этадиган олий таълим муассасасидир. Абитуриентлар сони бўйича ҳар йили етакчи ўринлардан бирини эгаллайдиган бу илм даргоҳининг сеҳр-жозибаси нима экан дея кўп мулоҳазага бордик. Эҳтимол, ёшларимизнинг муаллимликка меҳри шунчалар баланддир. Ёки улар юртимиздаги азим университетда таълим олишга шунчаки қизиқишар... Бу йил ҳужжатларни қабул қилиш «мавсуми» бошлангач, фурсатни бой бермайлик дея университет томон йўл олдик.

## Университет чорлайди

— Кўриб турганингиздек, университетимиз ҳар куни шундай гавжум, — дейди қабул комиссияси масъул котибининг ўринбосари Иброҳим Йўлдошев. — Ўтган йили 20 мингта ҳужжат қабул қилган эдик. Бу йил ҳам шунча абитуриент ҳужжат топшириши кутиляпти. Шунга яраша тайёргарлик кўрганмиз.

***— Бу йилги қабулда қандайдир янгиликлар борми?***

— Магистратурада «Таълим тизими менежменти» мутахассислиги бўйича ҳам ҳужжатлар қабул қилаяпмиз. Бу мутахассисликни замон талабидан келиб чиқиб очдик. Шунингдек, бакалаврлар тайёрлаш бўйича ҳам янгилик бор. Бу йилдан бошлаб «Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналишида рус гуруҳи очилди. 20 минг абитуриент ҳужжат топширса, рақобат ҳам жуда зўр бўларкан-да деган хаёлдадирсиз. Албатта, рақобат бўлади. Аммо шундай улкан илм даргоҳига қабул қилинадиган талабалар сони ҳам унчалик кам эмас. Бу йилги қабул режасига кўра, бакалавриат таълим босқичига 2045 нафар (880 — давлат гранти, 1165 —шартнома асосида), магистратурага 234 нафар (59 — давлат гранти, 175 — шартнома асосида), махсус сиртқи бўлимга эса 615 нафар (195 — давлат гранти, 420 — шартнома асосида) талаба ўқишга кириши мўлжалланган.

Бир кунда юзлаб абитуриентлар, улар билан бирга яна шунча ота-она бу даргоҳга келади. Улар учун университет радиоси ҳар куни эфирда.

— Абитуриентларни зарур ахборот билан таъминлашни мақсад қилганмиз, — дейди университет матбуот маркази раҳбари Қурдош Қаҳрамонов. — Шунингдек, ҳар куни эфиримиздан «Ёшлар йили»га бағишланган 40 дақиқалик (20 дақиқа ўзбек, 20 дақиқа рус тилида) эшиттириш ҳам ўрин олган...

Қабул жараёнини кузатамиз. Абитуриентларнинг, гарчи ҳаяжонда бўлсалар-да, кайфияти чоғ. Ҳужжат қабул қилаётганлар ҳам, назоратчилар ҳам — барчаси абитуриентлар билан дўстона муомала қилади. Шу ерда хизмат қилаётган фотостудия ходимининг айтишича, қабул бошланганининг биринчи куни барча абитуриентлар университетнинг фахрий ўқитувчилари гул тақдим қилишибди. «Мана, кўринг» дея у менга бир талай фотосуратларни кўрсатди. Шу биргина деталнинг ўзиёқ педагогика университетининг жозибаси нимада эканлигини менга англатгандай бўлди...

**Элмурод НИШОНОВ**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот

***27-28 июнь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.***

Сенаторлар «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Шунингдек, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари кўриб чиқилиб маъқулланди.

Сенаторлар «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар.

Сенаторлар ваколатларига берилган бошқа қатор масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди**

# Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси

Бу ҳақда таҳририятимизга бот-бот савол тушаяпти. Масалани кенгроқ тушунтириш мақсадида бугунги саҳифамизни асосан шу мавзуга бағишладик. Суҳбат тарзида сизга берилаётган маълумотлар бу борадаги муаммолар ечимини енгиллаштирар. Хўш, меъёрий ҳужжатларда нима дейилган? «Норма»ни «титкилаймиз». Мана, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Йўриқномаси, Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 19 январда 873- тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Мазкур Йўриқнома, Меҳнат кодекси, "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонуни ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Мазкур Йўриқнома Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари, маълумотномаларни бериш шартлари ва тартибини белгилайди.

*— Айримлар «Мен касалман» деб ишга чиқмайди. Иш берувчи ҳужжат талаб қилади. Тўғри, мулкчилик шакли ва хўжалик юритувидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотлар ходимларининг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги фақат меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки тегишли шаклдаги маълумотнома билан тасдиқланади. Хўш, у кимларга берилади-ю, кимларга берилмайди?*

— Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган, ишламайдиган шахсларга, ҳарбий хизматчиларга (бундан ихтиёрий ёлланганлар мустасно), шунингдек, ИИВнинг аттестацияланган ходимларига берилмайди.

Баъзан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хузуридаги Пенсия жамғармаси ҳудудий бўлинмаларининг қарорига кўра меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ишдан узрли сабабга кўра бўшатилган шахсларга, агар бетоблик ёки ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил муносабати билан меҳнатга лаёқатсизлик туфайли ишдан бўшатиб юборилгандан сўнг бир ойлик муддат ичида юз берган бўлса, шунингдек қуролли Кучларда хизматдан бўшатилганларидан сўнг бир ойлик муддат давомида бетоб бўлиб қолган собиқ ҳарбий хизматчиларга берилиши мумкин.

*— Яқинда бир танишимни учратиб қолдим. «Ишхонамга маълумотнома тақдим этишимга қарамай, нафақа тўлашмади», деб арз қилиб қолди. Бу ҳолат қонуний жиҳатдан қандай изоҳланади?*

— Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ишдан озод қилувчи, ижтимоий суғурталаш татбиқ этиладиган шахсларга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик муносабати билан нафақа тўлаш ҳуқуқини берувчи, меҳнатга лаёқатнинг вақтинчалик йўқотилиши билан бетоблик ҳисоби юритиладиган ҳужжат ҳисобланади.

Маълумотнома эса нафақа тўлаш ҳуқуқини бермайди.

*— Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотнома бериш ҳуқуқи кимларга берилади?*

— Меҳнатга лаёқатсизлик варақалар ёки маълумотномалар идоравий мансублигидан қатъи назар, тегишли вазирлик ва идораларнинг тиббиёт хизматлари (бошқармалари, бўлимлари) назорати остида бўлган давлат даволаш-профилактика муассасаларининг шифокорлари, шунингдек, тиббиёт олий ўқув юртлари, шифокорлар малакасини ошириш институтлари, тиббиёт илмий-тадқиқот институтлари (марказлари) шифокорлари томонидан, уларга бириктирилган ДПМларда даволаш ишларининг бажарилиши чоғида берилади ва муддати узайтирилади. Бундан ташқари, айрим ҳолларда Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ёки маълумотномаларини бериш ҳуқуқи шифокор-эпидемиологлар (санитар шифокорлар) ва фельдшерларга берилади.

*— Бундай ҳуқуққа қандай тиббиёт муассасалари эга эмаслар?*

— Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини қон қуйиш станция (бўлинма)ларининг, аноним даволаш бўлимлари (хоналари)нинг, тез ёрдам станциялари (бўлимлари)нинг, касалхоналарнинг қабулхона бўлимлари, суд-тиббий экспертиза муассасаларининг, болалар мактабгача муассасаларининг, дам олиш уйларининг, санаторий-курорт муассасаларининг (сил касалликларидан ташқари), санаторий-профилакторийларнинг, физиотерапия касалхоналарининг шифокорлари, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шифокорлар бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

Даволовчи шифокорлар бўлмаган чекка жойларда меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ёки маълумотномаларини бериш ҳуқуқи фельдшерларга маҳаллий соғлиқни сақлаш органларининг махсус рухсати (буйруғи)га кўра, кейинчалик назорат қилиб бориш шарти билан чекланган муддатга берилади.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ёки маълумотномалар меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг яшаш ёки иш жойларидаги ДПМлар томонидан берилади.

*— Хўш, қандай ҳолатларда берилади?*

— Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси қуйидаги ҳолларда берилади:

а) меҳнат лаёқатини вақтинчалик йўқотиш билан касалланиш (шикастланиш);

б) ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилга чиқиш;

в) бемор бўлган оила аъзосини парвариш қилиш зарурати бўлганда;

г) санитар-маданий (амбулатор-курорт) даволаш;

д) сил ёки касб касаллиги билан касалланиш муносабати билан вақтинчалик бошқа ишга ўтказилиш;

е) карантин;

ж) протез-ортепедия корхонасининг стационар шароитларида протез ўрнатиш.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш ва улар муддатини узайтириш шифокорлар томонидан меҳнатга лаёқатсиз шахс шахсан кўрикдан ўтказилганидан кейин амалга оширилади ва тиббиёт ҳужжатларида ёзув билан асосланади. Бунда меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг берилиши ёки унинг муддати узайтирилиши учун асос бўлиб хизмат қилган ташхис клиника маълумотлари (шикоятлар, объектив маълумотлар) ва олиниши мумкин бўлган лаборатор-инструментал тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланиши керак.

Амбулатор-поликлиника даволаши чоғида шифокор 5 календар кунигача меҳнатга лаёқатсизлик варақасини бир ўзи ёзиб бериш ҳуқуқига эга.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси муддатини 5 календар кунидан ортиққа узайтириш даволовчи шифокор томонидан бўлим мудири билан ҳамкорликда ҳар сафар 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатга, у бўлмаган ҳолларда эса кўрсатилган муддат доираларида шифокорлик-маслаҳат комиссияси раиси билан биргаликда бемор соғайгунга ёки ТМЭК га юборилгунига қадар амалга оширилади.

Узоқ муддат давомида касалланувчилар ( бунга сил касаллиги билан оғриганлар кирмайди) вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб 3 ойдан кечиктирмай ёки вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб 4 ойдан кечиктирмай, умуман олганда, айнан бир касаллик ёки бир-бирига ўхшаш касалликлар чоғида сўнгги 12 ой мобайнида кўриб аниқлаш учун тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК)га юбориладилар.

Нохуш клиник ва меҳнат прогнозига эга беморлар ногиронлик аломатлари мавжуд бўлган ҳолларда Меҳнатга лаёқатсизликнинг исталган даврида ТМЭКка кўриб аниқлаш учун юбориладилар.

Сил касаллиги оқибатида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик ҳолларида илк бора ушбу касаллик аниқланган беморлар меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан эътиборан 10 ойдан кечиктирмасдан тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига кўриб аниқлаш учун юбориладилар.

Сил касаллигига қарши муассасаларда ҳисобда турувчи беморларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги ҳолларида, асосий касалликнинг зўрайиб кетиши чоғида ТМЭК га юбориш вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бошланган кундан бошлаб 6 ойдан кечиктирмай амалга оширилади.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотнома муддатининг узайтирилиши бемор ТМЭК га юборилган кундан эътиборан тўхтатилади.

Ногирон деб топилмаган, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсиз ҳисобланган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси муддатининг кейинчалик узайтирилиши ДПМ шифокорлари томонидан 2 (икки) ойдан ортиқ бўлмаган муддатга амалга оширилади.

ТМЭКда Меҳнатга лаёқатли ёки учинчи гуруҳ ногирони деб тан олинган шахслар учун ТМЭКдан ўтиш даври меҳнатга лаёқатсизлик варақасида ёки маълумотномада ШМК орқали ҳисобга олинади.

Беморнинг ТМЭК га кўриб аниқлаш учун узрли сабабларсиз келмаслиги меҳнатга лаёқатсизлик варақасида тегишли белги қайд этилган ҳолда белгиланган тартибнинг бузилиши сифатида баҳоланади.

Даволаш-профилактика муассасаларида, шу жумладан олис жойларда жойлашган, биргина шифокорга эга қишлоқ шифокорлик пунктлари (ҚШП)ларда шифокорнинг бир ўзи меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотномани бериш ва кейинчалик ҳар ойда тегишли туман марказий касалхонаси (бирлашмаси) томонидан назорат қилиб бориш орқали умумий асосларда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг жами даврига муддатни узайтириш ҳуқуқига эга.

Ихтисослаштирилган диспансерлар, марказлар соҳасидаги касалликлар билан оғриган беморларга бундай варақалар ёки маълумотномалар фақат ушбу диспансерлар, марказларнинг шифокорлари томонидан белгиланган тартибда меҳнатга лаёқатсизликнинг жами даври учун берилади.

Беморларни маслаҳат олиш ёки даволаниш учун бошқа шаҳарга (ҳудудга) юбориш соғлиқни сақлаш органларининг рухсати билан амалга оширилади, Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотнома ДПМнинг ШМК томонидан беморнинг ушбу шаҳар (ҳудуд)га бориш кунларига, чиқиш имконини ҳисобга олган ҳолда берилади.

Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотнома муддатининг жами маслаҳат олиш ва (ёки) даволаниш даврига ҳамда у ердан қайтиш кунларига узайтириш маслаҳатлар ва (ёки) даволашни амалга оширувчи ДПМ томонидан амалга оширилади.

Бошқа шаҳар (ҳудуд)га маслаҳат олиш учун ва (ёки) даволанишга юбориш чоғида 1 гуруҳ ногиронларини, 16 ёшга тўлмаган ўсмирларни, агар уларга тиббиёт ходими ҳамроҳлик қилмаса, уларни юбораётган ДПМнинг шифокорлик-маслаҳат комиссияси беморга ҳамроҳлик қилувчи шахсга ушбу шаҳарга (ҳудудга) бориб қайтиш кунлари учун меҳнатга лаёқатсизлик варақасини беради.

*— Баъзан тиббий кўрикдан ўтиш учун кўпроқ вақт талаб этилади. Бу жараён эса ўз-ўзидан иш вақтида амалга оширилади. Бундай ҳолатда...*

— Меҳнатга лаёқатли шахсларни кўрикдан ўтказиш ва даволаш таомиллари (бунинг учун меҳнатга лаёқатсизлик варақалари берилмайди) ишдан бўш вақтда амалга оширилади. Фақат мураккаб кўрикдан ўтказишлар ва манипуляция қилишлар (эндоскопик кўрикдан ўтказиш ва бошқалар), шунингдек, тадқиқот ва даволашнинг қолдирилиши мумкин бўлмаган ва фақат иш вақтидагина амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда уларни ўтказиш кунида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотнома берилади.

*— Хизмат юзасидан сафарда бўлган ходим бемор бўлиб қолди дейлик. Ходимга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ким томонидан берилади?*

— Бошқа ҳудудда бўлиш (хизмат сафари, меҳнат таътили ва ҳоказолар) даврида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизликнинг юзага келиши ҳолларида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотнома бемор бўлган жойдаги ДПМ томонидан умумий асосларда, бироқ бош шифокорнинг рухсати билан берилади.

Саломатлиги яхшиланган ҳолларда бемор ШМК томонидан ўз яшаш жойига даволаниш учун юборилиши керак.

*— Корхонанинг шифокорлик бўлими меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотнома бериши мумкинлигидан хабардормиз. Ушбу ҳужжатларнинг муддати қонунга кўра қандай белгиланган?*

— Меҳнатга лаёқатсиз киши корхонанинг шифокорлик пункти (бўлими)га мурожаат қилган ҳолларида (ўткир касалликлар, ишлаб чиқаришда майиб бўлиш чоғида) унга ушбу пункт (бўлими)нинг шифокори томонидан уч календар кунгача бўлган муддатга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки маълумотнома берилади.

Бу мавзудаги суҳбатни газетамизнинг келгуси сонларида давом эттирамиз.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

# Даъвога асос борми?

***Хатирчи туманида яшовчи Ҳ.Ризаев анча йиллар бурун пойтахтдаги «Тошкент Резина» корхонасида ишлаб юрган даврида иш жараёнидаги бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнат жароҳати олади. 1991 йилда Ўртачирчиқ туманлараро ВТЭК томонидан унга 2-гуруҳ ногиронлиги берилиб, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобидан ногиронлик нафақаси тайинланади. Кейинчалик Ҳ.Ризаев яна Хатирчи туманига кўчиб кетгач, унга 2001 йилнинг январидан бошлаб 2007 йилнинг охирига қадар туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан ногиронлик нафақаси тўлаб борилади. Бироқ шу вақт ичида туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан Ҳ.Ризаевга тўланган 791.661 сўм «Тошкент Резина» МЧЖ томонидан пенсия жамғармаси ҳисобига ўтказиб берилмайди.***

**Шу сабабдан Навоий вилояти Хатирчи тумани ижтимоий таъминот бўлими Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тегишли қонунларга мувофиқ юқорида айтиб ўтилган муддат ичида Ҳ.Ризаевга тўланган пул маблағларини «Тошкент Резина» МЧЖдан регресс тартибда пенсия жамғармаси ҳисобига ундириб беришни сўраган.**

**Суд мажлисида жавобгар вакили ҳақиқатан ҳам Ҳ.Ризаев жавобгар корхонада ишлаш жараёнида жароҳатлангани, ўтган йиллар давомида унга корхона томонидан ногиронлик нафақаси тўлаб келингани, бироқ сўнгги йилларда корхона бир неча бор қайта ташкил этилгани ва даъво муддати ўтиб кетганини маълум қилган.**

**Маълумки, Фуқаролик кодексининг 234-моддасида мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда мазкур кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 66-моддасида кўрсатилганидек, ушбу қонунга мувофиқ тайинланган пенсиялар (жумладан, ногиронлик пенсияси)ни тўлаш Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Мулк шаклидан қатъий назар, корхона ва ташкилотлар корхонанинг айби билан меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида ногиронлик учун тайинланган пенсияларни тўлаш, шунингдек, ходим пенсия ёшига тўлгунга қадар ушбу қонуннинг 12-моддаси б, ж бандларига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш учун иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига харажатларни қопловчи пул ўтказадилар. Ижтимоий таъминот бўлимлари белгиланган тартибда улар томонидан тўланган меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик пенсияларини корхона, муассаса ва ташкилотлардан регресс даъволар воситасида ундирилишини таъминлайдилар. Фуқаролик кодексининг 149,150-моддаларида шахс ўзининг бузилган ҳуқуқларини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган уч йиллик муддат белгиланган. Бироқ, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади. Қолаверса, даъвогар вакили жавобгарга нисбатан регресс тартибдаги даъво аризани 2005 йилда ҳам судга тақдим этганлигини, бироқ суд томонидан кўриб чиқилмаганлигини маълум қилган.**

**Юқоридаги ва яна бошқа асосларга кўра, суд Хатирчи туман ижтимоий таъминот бўлимининг жавобгар «Тошкент Резина» МЧЖга нисбатан регресс тартибдаги даъво талабини асосли деб топди ва даъво қисман қаноатлантирилди. Тошкент шаҳар Хўжалик суди жавобгар «Тошкент Резина» МЧЖдан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобига 787.410.52 сўм ундириш тўғрисида қарор чиқарди.**

**Гулмира ЭРМАТОВА,**
**Тошкент шаҳар хўжалик суди судьяси**



*Ҳаёт ҳақиқати шундай: деҳқонми, кулолми, қурувчими, қайси касб соҳиби бўлмасин, ўз ишининг пирига айланмас экан, кўзланган натижага эриша олмайди. Айниқса, деҳқончилик кишидан катта тажриба ва омилкорликни талаб этади.*

# Сўнгги васият

Интенсив хона эшиги очилиб, ундан Муродулла отанинг эгик қадди кўринди. Ўғилой ая кўзларини ярим юмганча, болишларини баландлатиб, қўлларини юраги устига устма-уст қўйиб ором оларди.

— Мен келдим, онаси.

Ота оёқ учида юриб, уйдан келтирган мева-чева, егуликларини тумба устига қўйди. Сўнг стул қолиб, бемор кароватининг четига омонатгина ўтирди.

— Қандай, энди бироз тузукмисан?

Аёл кулимсираркан, меҳр тўла нигоҳи билан умр йўлдошига қаради:

— Қайта яшарармидим, хўжайин. Чамамда сўнгги йўл ҳам кўриниб қолганга ўхшайди.

— Нафасингни ел олсин. Ундай дейишга асосинг йўқ. Ахир дўхтирлар...

— Мени авращга уринманг. Дўхтирларнинг кечаги гапларини эшитдим. Ҳаммаси кундай аён.

— Кел, қўй шу гапларни. Сенга бир нарса кўрсатайми?

Аянинг сарғайган чеҳраси узра нимтабассум балқигандек бўлди:

— ...лар Нима экан?

— ...Кафтингни оч-да, кўзларингни юм!

Мужгонлар итоаткорона эпилди. Муродулла ота ёстиқдошининг томирлари бироз бўртиб чиққан қўлини ушлаб, тизилган ақиқ доналардек марварид мунчоқни унинг кафтига қистирди:

— Бўлди, очавер!

Намчил киприкларини кўтариб, бемор кафтига тикилиб қолди:

— Вой, бу ўша ёшликдаги совғангиз-ку! Қаердан олдингиз?

— Қизларинг токчадаги хитой гулли чойнакнинг ичидан топишибди. Сен бўлсанг, ёдингга ҳам келтира олмовдинг.

— Шуни айтинг, демак, шу ерга қўйган эканман-да, — ая мунчоқни бармоқлари учида кўтариб, у ёқ-бу ёғини томоша қила бошлади.

— Биласанми, хотин? Кеча ҳоким даламизга келди. Раис иккаласи 13 гектарлик картамиздаги ғўзаларни кириб кўришди.

— Э-би, шундайми?

— Ҳа, айтсам ишонмайсан. Аввало сени сўрашди. Раис, опа бизнинг фахримиз, деб айтди.

Бемор бироз тараддудланиб, секингина йўталиб қўйди. Кейин қўлидаги сочиқча билан пешонасидан реза терларни сидирди.

— Ўт босган майдон қолмаганмиди ишқилиб?

— Нималар деяпсан? Қайтанга сувдан кейин дув шоналашга ўтирган ниҳоллар яшнашини бир кўрсанг эди. Энди, хотин, ўзингни қўлга ол. Далалар ҳам сени роса соғинган. Одам қўпу барибир ўзингнинг йўлинг бўлак-да.

Бундай умидбахш суҳбат Ўғилой аяни чиндан ҳам анча руҳлантирди. Эри кетгач, қўлидаги мунчоқни бўйнига бўйлаб қўйди. Аммо тақишга жазм этмади. Хаёллар эса уни ўша шаддод, тиниб-тинчимас ёшлик сари етаклаб кетди.

Икковлари бир синфда ўқишарди. Орзу ва қизиқишлари монанд бўлгани боис ўқувчилик дамлари кўпинча биргаликда кечди. Лавлагидан бўшаган майдонлар анча меҳнат талаб қиларди. Қимирлаган жон борки, барча далада. Ўшанда ғалла қўлда ўрилар, буғдой хўпда янчиларди. Бунгача ғўза парвариши кутиб қоларди. Далада иш айни қайнаб ётган 1958 йилнинг ёзида Муродулла бир даста китобни қўлтиқлаб Бухоро шаҳрига жўнади. У ердаги қишлоқ хўжалик техникумини тугатиб, мутахассис сифатида қишлоғига қайтди. Тўйлари ҳам камтарона бўлганди. Ўғилой ая учун қайноқ муҳаббатлари, аҳду паймонлари тимсоли сифатида ниҳоятда қадрли эди бу мунчоқ. Эри йўқотган ана шу азиз нарсани топиб яна қўлига тутқазди. Ажиб хотиралар уни яна ўзига чорлади.

Муродулла ўқишни тугатиб келганда хўжалик ҳар томонлама кенгайган, чорвага эътибор тамоман бошқача эди. Қорамоллар сони қарийб мингтага етиб қолганди. У хўжаликда чорва ҳисобчиси бўлиб иш бошлаган бўлса-да, кейинчалик ферма мудири, бош зоотехник бўлди. Ўғилой эса доимо унинг қанотида. Дуркун-дуркун қизларни ёнига олиб, сигирлардан олинадиган сут мўл-кўллигини таъминлади. Эҳ-ҳе, бу орада қанчалар ташвишли, қанчалар қувончли дамларни бирга кечиришмади дейсиз. Биринкетин дунёга келган саккиз фарзанд ана шундай кизғин меҳнат муҳитида тобланиб ўсди.

Ташаббуснинг қаноти бўлади, дейдилар. Меҳнат қаҳрамони Бозор Доноевнинг саъй-ҳаракати билан хўжаликда янги ерларни ўзлаштириш ҳаракати жонланиб қолган пайтлар эди. Ўғилой опа Даминова ҳам биринчилардан бўлиб бу ташаббусга қўшилди. Ҳайтовур, қишлоқнинг сўлим қучоғидан узилиб, дашт шароитида ишлаш осон эмас.


Архив

Аммо меҳнатинг бесамар кетмаётганини ҳис этганинг сайин кўнглингда янги орзу-ҳаваслар жонланаркан.

Турмуш ўртоғининг даштдан ер очиб, катта бригадага раҳбарлик қилаётганини кўриб Муродулла аканинг ҳам қарори қатъийлашди. Анча улғайиб қолган фарзандларини ёнига олиб, хотинининг даласига борди. Шу кундан ишлар тамоман бошқача тус олиб кетди. Шундай ширин хотираларни эслаб, аянинг лаблари секингина қимтинарди: «Ўзингга шукур, қодир Худойим! Меҳнатимга лойиқ қадрэътибор кўрдим. Бундан ортиқ бахт бўлarkанми бир қулинг учун».

Ўғилой ая ширин хаёллари билан бўлиб, шом кирганини ҳам пайқамай қолди. Муолажалардан кейин йўқлаб келган қизлари ва куёвлари билан енгилгина тамадди ҳам қилиб олди. Лекин орадан бирор соатлар ўтгач, унинг аҳволи кескин оғирлашди. Қариндошлар шу ондаёқ беморни врачлар маслаҳати билан уйга олиб кайтишди...

Орадан йиллар ўтиб, ўша мусибатли кунларни Ўғилой аянинг катта қизи Мавжуда Тўхлиева қуйидагича изоҳлайди:

— Энди билсак, ўша экинзорлар раҳматли онамизнинг чинакам ҳаёт мазмунига айланиб улгурган экан. Икки олам ўртасидаги танг фурсатларда ҳам онажоним даласи ҳақида қайғурди. Буғдойзорнинг бироз сувсираганини эшитгач, бояқишнинг тамоман ороми йўқолди. Якка-якка нафас оларкан, кўрсаткич бармоғи билан уй телефони томонга қимтинарди. Унинг талабига кўра хўжалик раҳбарининг уй телефони рақамини териб бердим. Дастлабки чақириқлардан кейин Неъмат Обиловнинг қатъиятли овози эшитила бошлади.

— Раис, яхшимисиз? Яхши-ёмон хизматларимдан рози бўлинг. Мен чин дунёга йўл олаяпман. Сизга сўнгги васиятимни айтай. Буғдойзор даламиз чанқаган эмиш. Шуни одам қўйиб, бугуноқ суғортирсангиз!

Шундан кейин эрталаб раиснинг ўзи уйимизга келиб, далалар қониб сув ичаётганини маълум қилди. Боз устига, сербарака бўлиб, ёмғирнинг қуйиб берганини айтмайсизми? Бечора онамнинг руҳидаги хотиржамлик шу зайл мангу осойиш топди».

Умр деганлари ниҳоятда қисқа. Бироқ эзгу ишлар уни безайди. Бунга ишонмасангиз Ўғилой аянинг ҳаётига, у бошлаган эзгу ишдан баҳра олаётган эл-юрт ҳаётига назар ташланг. Ҳеч бўлмаса Қоратов этаклари акс этган эсдалик суратдаги қийғос очилган пахтазорларга бир назар ташланг. Ўғилой аянинг хушнуд нигоҳида ана шу боқийликни, фидойиликдан топилган бахтиёрликни осонгина пайқайсиз.

Иккинчи суратда меҳнат ортидан келган улуғворликнинг чеҳраларда балқиб турганига гувоҳ бўласиз. Бунёдкорлик илмини сув қилиб ичган етук эл фарзандлари орасида соддадил бир қишлоқ қизи турибди. Республиканинг нуфузли анжуманига Ўғилой ая ҳам шу улусдан вакил этиб сайланган эди. Бунга ўз-ўзидан эришган эмас албатта.

Аҳил оила орзуларига она қанот бўлди. Тўнғич қиз Мавжуда моҳир теримчи бўлган. Ҳозир ҳам тадбиркорлик орқали элга наф келтирмоқда. Сингиллари Марзияхон ва Мавлудахонлар унинг ёнида. Муродулла Даминовнинг ёши ҳозир 74 да бўлса-да, чайирликда ҳали унча-мунча йигитлардан қолишмайди. Ўғиллари Ҳаким, Сайфи, Салимларни, келин-у набираларини ёнига олиб, бир вақтлар аёли ўзлаштирган далаларда мўл-кўл ҳосил етиштириш ниятида меҳнат қилмоқда. Бошқа фарзандлари ҳам четда тургани йўқ.

Дарвоқе, фермерлик ҳаракати бошлангач, қаҳрамонимиз ташаббуси билан ўзлаштирилган майдонлар «Оқтош» фермер хўжалигига айлантирилди. Ҳозир унинг ҳисоб-рақамида Ўғилой ая бир пайтлар орзу қилган миқдорда сармоя жамланган. Ажратилган 27 млн. сўмлик лизингга трактор олишди. Боз устига яна бир трактор, култиватор, сеялка ишлаб турибди. Тоғдек келбатли ўғиллар билан бир қаторда келинлар ҳам техникаларни бошқара олишини кўриб ҳайратланасан киши.

Мақола чоп этишга тайёрланаётганда яна бир хушхабарнинг гувоҳи бўлдик. Нарпай туманидаги «Оқтош» фермер хўжалиги ҳар гектар ердан 57 центнердан буғдой етиштирибди.

**Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири**

Ishonch
2008 йил 3 июл № 79 (2492)



*ХХ асрда яшаб, ижод қилган, бетакрор кино асарлари билан жаҳон санъатини бойитган машҳур италян режиссёри Федерико Феллинининг «Йўл» деган филми бор. Уни машҳур санъаткорлар жуфтлиги Федерико Феллини ва Жульетта Мазинанинг биргаликдаги ижоди ва санъатни бойитиш йўлида қилинган катта саъй-ҳаракатлари натижаси деб ҳам аташ мумкин. Феллини қиёфасида кўз олдимизда нафақат замонанинг энг истеъдодли ва энг мураккаб, зиддиятларга тўла ижодкори намоён бўлади. Дунёда энг яхши кўрган машғулоти хаёл суриш бўлгани ҳолда у иккала оёғи билан ерда турган. Инсонга, унинг руҳиятига ўта қизиқиш ва бунга ўзига хос ёндашиш Феллини ижодининг асосидир. Мабодо биз Феллини асарларида хўрланган ва азобланган инсон учун самимий ва чуқур оғрикни кўра олмасак, агар «Йўл» каби ажойиб асарда санъаткорнинг ҳайвонга айланган инсонга нафрати, мана шу молсимон одамнинг ҳалокат жари ёқасига келиб қолганини сезмасак, унда бу филмни кўрмаган, ҳис қила олмаган бўламиз. Феллини хўрланган кичкина одам кўнглидаги беғубор инсонийликни асар марказига олиб чиқади. Унинг ижоди ўтган асрнинг қирқинчи-эллигинчи йилларидаёқ катта шов-шувга сабаб бўлган. Муҳими, ўша даврдаёқ ўз баҳосини олган.*



Маъсума АҲМЕДОВА

# «Федерикосиз мен йўқман...»

ЭССЕ

Уларнинг танишуви, бир-бирини топиши — жуда оддий ва айни пайтда фавқулодда қизиқ. 1943 йили Федерико Феллини — бошловчи карикатурачи — пойтахтда тилга тушган ва анча бообрў «Марк Аврелий» ҳажвий журналида ишлар ва бир неча эстрада саҳналарининг муаллифи эди. Ўшанда у Рим радиоси учун икки севишган — Чико ва Поллина тўғрисида қизиқ-қизиқ эшиттиришлар тайёрларди. Янги турмуш қурган икки ёшнинг бошига тушган кулгили мусибат ва кўнгилсизликлар муваффақият қозонди; кинопродюсерлардан бирида уларни экранга олиб чиқиш режаси туғилди. Зиммасига ана шу эшиттиришни экранга қўйиш мажбурияти юкланган Феллини ҳаракатга тушади. Дарҳол Чико ва Поллина роллари ижрочиларига қўнғироқ қилади. «Чико» билан учрашув унинг ҳафсаласини пир қилади. У тепакал, семиз жаноб экан. Тарвузи қўлтиғидан тушган Феллини «Поллина» ҳам «Чико»нинг шериги бўлса керак деб ўйлайди ва у билан учрашувга нақ бир соат кечикиб келади. Стол чеккасида эса ёшгина, жуссаси кичкина, сочлари сарғиш, хаёлга ботиб ўтирган қизга кўзи тушади... Бу қизнинг исми Жульетта эди. У болонялик бўлиб, Римда холасиникида туриб, университетнинг тарих факултетида таҳсил олар ва бўш пайтлари Квирино театри ва радиода қатнашиб турар эди.

«Чико ва Поллина» филми саҳна юзини кўрмади, шу ҳолича қолиб кетди. Шундай бўлса-да, орадан уч ой ўтгач, Федерико ва Жульетта турмуш қуришади. Ўшанда Жульетта ўн саккизда, Федерико эса қиздан уч ёш катта эди. Ана шу турмуш биргаликдаги катта ижод йўлига замин бўлди. Айтиш мумкинки, улуғ Феллини Жульетта қиёфасида катта ижодкорни кўрди ва уни шу руҳда тарбиялай билди. Аслида эса улар бир-бирларини катта санъаткор сифатида кашф этдилар. Лекин улар фақат санъат учун бир-бирларини кашф этиб яшадилар десак, тўғри бўлмас. Жульетта оилада Федериконинг ўз билганидай яшашига тўсқинлик қилмади. Аксинча, унинг воқеликда эмас, хаёллари билан яшаб ижод қилишига кенг йўл очди. Уни одатий аёллардай ўз қобиғига солишга уринмади, балки қандай бўлса, шундайлигича қабул қилди.

Ҳисоб бўйича Федерико Феллинининг учинчи, юқорида тилга олинган «Йўл» филми (1954) унинг номини жаҳонга танитди. Дастлаб филмнинг молиявий таъминотчиси Дино де Лоурентис Мазинанинг муваффақиятига ишонқирамай, рол учун ижрочини чиройли аёллар орасидан танлашни таклиф этди. Аммо Феллини сўзида туриб олди. Боладай беғубор, кичкина ва кўримсиз, ғалати Желсомина ижодкор наздида Жульетта қиёфасида пайдо бўлди.

«Желсомина Федерико билан турмуш қурганимиздан буён ўн йил мобайнида худди боламиз сингари биз билан катта бўлди, — деб хотирлайди кейинчалик Жульетта Мазина. — Эрим мени кун бўйи кузатар, қоғозга нималарнидир ёзар, образни тобига келтирар эди. Болалигимдаги кўпгина расмлардан нималарнидир олиб чизар, кўп чизгиларни мен ошхонада юрганимда, таом пишираётганимда, ниманидир қовураман деб куйдириб олганимда қилар эди. Айниқса, унга менинг кулишим ёқарди. Ахир ана шу табассум Желсомина ролида акс этди-да»...

«Ширин турмуш», «Жульетта ва руҳлар», «Кабириянинг оқшомлари» каби машҳур киноасарлар шу тариқа пайдо бўлди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Феллинининг биронта асари Жульеттанинг иштирокисиз дунёга келмади. Дўстларининг хотирлашича, бирон-бир филми ҳақидаги айнан Жульеттанинг фикри Феллини учун жуда муҳим бўлган. «Муттаҳамлар», «Эркатой ўғиллар», «Оркестр машқи», «Амаркорд», «8 1/2»... Сўнгги йилларда яратилган «Аёллар шаҳри» (1980), «Жинжер ва Фред» (1985), «Интервю» (1987), «Ой овози» филмлари Феллини ижодида янги босқични бошлаб берди. У бир зум ҳам ижод қилишдан тўхтамади. Америка кино академиясининг машҳур «Оскар» мукофотининг тўрт карра совриндори... Москва, Венеция кинофестиваллари мукофотлари билан тақдирланиш... Ҳатто ҳали Феллини сценарий ёзишга ўтирмасданоқ иккаласи пайдо бўлажак асарни муҳокама қилиб кетишарди. Жульетта ўзининг асов феъли билан хаёлпараст Федерикога жуда мос тушган эди. Аёл машҳур кишиларнинг хотинлари каби қимматбаҳо либосларга ўралмаган, дуру гавҳарларга кўмилмаган эди. Тўғрироғи, аксарият аёллардан фарқли ўлароқ, Жульеттанинг бойлик орттиришга унча ҳуши йўқ эди. Уларнинг уйлари ҳашаматли эмасди — кишилар наздида машҳур кинорежиссёр яшаши керак бўлган шаҳар ташқарисидаги данғиллама иморатда эмас, Рим марказидаги оддий уйда истиқомат қилар эдилар. Камтарона ҳаёт Жульеттага худди эри каби маъқул тушган эди. Шаҳар ташқарисида чорбоғлари ҳам йўқ, дам олиш вақтини Римини шаҳарчасидаги Феллинининг ота-онасидан қолган уйда ўтказишарди. Жульетта Федерикога турмушга чиқибдики, унинг дўстларига уй эшигини ланг очар эди — дўстлар кўпинча соҳибжамол аёллар бўларди. Шуниси қизиқки, Федерико сира хотинидан сир яширмас, бари ишқий саргузаштларини унга ҳаяжон билан ҳикоя қилар эди. Жульетта эса унга хотини эмас, худди дўстидай бажонидил қулоқ тутарди. Федерико эркак сифатида хотини олдида бирон айб иш қилган бўлса, бундан биринчи бўлиб Жульетта хабар топар эди. Аёл биргаликдаги оддий, хира кундалик турмушни турли кўринишлар билан безар, эрини зериктирмасди. Гўё улар ҳаётларида катта, қизиқ спектаклни муваффақият билан ўйнаб ўтдилар.



Айтишларича, улар тез-тез уришар ва бирпасда ярашиб ҳам кетишар экан. Агар суратга олиш майдончасида Жульетта кўринмаса, Федерико ўзини йўқотар ва унингсиз бир ишни бошламас эди. Арзимаган важлар билан уйига, хотинига қўнғироқ қилаверарди. Тангри уларни иккаласи ҳам беҳад орзу қилган фарзанд билан сийламади — ато этгани ҳам бу дунёда кўп турмади. Шундай эса-да, улар бир-бирларига суяниб, гўё серфарзанд ота-оналардай ягона орзу учун, ягона қувончдан қувониб яшадилар. Ахир Желсомина, Кабирия, Жульетта, Жинжер уларнинг фарзандлари эмасмиди?! Бастакор Нино Ротанинг гувоҳлик беришича, у эр-хотиннинг бир-бирига муносабатида то ўлгунларигача қадар ҳеч бир сохталикни кўрмаган. Улар сўнгги нафасларигача бир-бирларини бениҳоя севганлар. Ҳа, улар ҳақиқатан ҳам ХХ асрнинг энг романтик жуфтлиги эди. Италянлар ҳозиргача қадар бу жуфтлик билан фахрланишади. Балки ишониш қийиндир, эри дардида куйиб, жудолик ғуссасини кўтара олмай бу дунёдан ўтган аёл — айнан Жульетта Мазинанинг ўзи.

1993 йилнинг 31 октябрида атоқли санъаткор бу дунёдан кўз юмади. Дафн маросими куни Римда барча транспорт ҳаракати, радио-телевидение фаолиятини тўхтатди — минглаб кишилар тобут солинган кортеж изидан қарсак билан Италия йўллари бўйлаб денгиз бўйидаги Римини шаҳарчасига улуғ режиссёрни сўнгги м[illegible]зилга кузатиш учун йўл[illegible]ди. Италия буюк санъаткор билан ана шундай видолашди. Таъзияларни қабул қилар экан, Жульетта чурқ этмас, юзида ўша Феллини кашф этган ва унинг ибораси билан айтганда, «боши гангиб, эсанкираб, йўқолиб қолган ит ҳолатини» эслатувчи ифода. У қайғудан пича ўзига келганида эса фақат «Федерикосиз энди мен йўқман» деб такрорлар эди. Жульетта орадан беш ой ўтгач, худди шу йўналиш бўйлаб — Рим госпиталидан Римини шаҳарчасидаги оилавий сағанага дафн этилган умр йўлдоши қабри томон йўл олади. Ҳа, Жульетта ёстиқдоши, дўстини йўқотишдай оғир кулфатни кўтара олмади — бир йил ўтгач, умрдош дўсти изидан бу дунёни тарк этди.




*Мушоҳада*

# «Ishonch» — доимий фикрдошимиз

Янги-янги газеталарнинг юзага келиши, уларда ўзига хос фикрларнинг айтилиши яхшилик нишонаси албатта. Аммо уларнинг номини эшитиб, ҳали ушлаб кўрмаганларимиз ҳам бор. Менимча, муштарийнинг қайси тоифадаги газета, журнал ёки китобларга назари тушиши унинг таъби, нималарга қизиқишидан ҳам бўлиши мумкин. Бу соҳадаги кўп йиллик кузатувларимга таяниб айтадиган бўлсам, даврга ҳамнафас нашрлар қаторида «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳам бор. Улар кейинги йилларда ҳам безак жиҳатидан, ҳам савия жиҳатидан анча юксалди. Бизни хурсанд қиладиган шуки, мамлакатимиз, қонунчилигимиз ва касаба уюшмаси равнақи учун муҳим саналган барча ҳужжатлар шарҳи саҳифаларда тўлиқ берилаётир. Бундан ташқари, миллат маънавияти, фуқаролар манфаатига доир кўплина мақолаларда кишини ўйлантириб қўядиган асосли фикрлар бор.

Яна бир мақола хусусида тўхталмоқчи эдим. «Биби Муборика Бобур Мирзонинг севимли хотини эди(ми?)» номли чиқишида муаллиф аёлга ҳурмат, севги ва муҳаббат тўғрисида жуда оддий тилда изоҳ берган. Дилором Ҳамроева Бобурнинг феъли, кечинмаларини савиясига кўра ўзига хослик билан очиб бера олган. Бундай дилтортар мақолаларни янада кўпайтириш керак.

**Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ,**
**Навоий вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раисининг ўринбосари**

*Кузатув*

# Ҳувайдога эҳтиром

**Фарғона тумани Чимён қишлоғида ўзбек мумтоз адабиётининг намоёндаси ҳазрат Хўжаназар Ҳувайдо хоки қўйилган боғ-мажмуида файласуф шоир таваллудининг 300 йиллиги тантанали нишонланди.**

Тантанада Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари О.Мансуров сўзга чиқиб, XVIII асрда яшаб ижод этган шоир Ҳувайдонинг ҳаёти, ижоди ва ўзбек адабиётида унинг мероси катта ўрин эгаллаганлиги, унинг «Девони» бир неча марта нашр этилганлиги, Фарғона маънавият аҳлининг бобокалонимизга чексиз ҳурмат эҳтироми, ушбу Ҳувайдо бобо зиёратгоҳини ҳашар йўли бунёд этилганлиги ҳақида гапирди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, Ҳувайдо қариндош авлодларидан Восилхон Маҳди, Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бўлим бошлиғи Турсун Али ва бошқалар Ҳазрат Ҳувайдо ижоди ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Ҳувайдонинг вилоят ўлкашунослик музейи жамоаси томонидан бойитилган музейи ҳам очилди. Унга шоирнинг асарлари, унга тегишли бўлган буюмлар, шоир устозларининг қўлёзмалари, этнографик буюмлар, Чимён қишлоғига оид тарихий ҳужжатлар, манбалар ва бошқа экспонатлар қўйилган.

Тантанада қадамжони барпо этилишида ибрат кўрсатган корхона, ташкилот, ишчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,**
**меҳнат фахрийси**

## Қаерда дам олсам экан?



*Ғаройиб воқеа*

# Қабрдаги илонлар

*Бу воқеа Сирдарё вилоятининг қишлоқларидан бирида бўлиб ўтган.*

*Қишлоқдагилар Холниса кампирни лўли деб атарди. Бу лақаб унга лўлилардай қопқоралиги учун эмас, балки тили заҳар, ниҳоятда урушқоқлиги учун берилган эди. Эрта-ю кеч кампирнинг тилидан қарғиш тушмасди. Чоли Мўмин ўз номи билан мўмин-қобил, содда инсон эди. Кампир уни одам ўрнида кўрмас, баъзан ўғил-қизларининг ўртасида ҳам талаб, ер билан битта қилиб ташларди. Чол эса эллик йиллик ёстиқдошининг қарғишларига ўрганиб қолган, кампири дийдиёсини бошласа индамай кетмонини елкасига ташлаб, далага чиқиб кетар эди. Кампир аламини ўғилларидан, келинларидан олиб, уларга заҳрини сочарди.*

Кўпнинг дилини оғритиш ёмон экан, бир куни тўсатдан кампирнинг тоби қочиб, ётиб қолди. Аҳволи кундан кунга оғирлашиб, қазо қилди. Маъракага жуда кўп киши йиғилди, барча марҳумни сўнгги манзилга кузатиш тадоригини кўра бошлади. Маслаҳат асосида қишлоқнинг икки нафар кекса кайвониси майитни ювиш учун ичкарига киришди. Ювгувчилар эндигина ишга киришганида қаёқдандир узунлиги бир қулоч бўлган иккита қора илон пайдо бўлди. Қўрқувдан ўтакаси ёрилган аёллар ташқарига қочишди. Жанозада иштирок этаётган мулла узундан-узоқ дуо ўқигач, илонлар хонани тарк этдилар. Майитни ювиб, кигизга ўраб, тобутга қўйишаётганда илонлар яна пайдо бўлди. Мулланинг дуоси билан улар яна ортга чекинди. Барча бу синоатдан ҳайрон эди.

Жаноза ўқилгач, қишлоқ одамлари тобутни орқалаб қабристонга йўл олдилар. Гўрковлардан бири марҳум учун қазилган гўрга тушаётиб, қичқириб юборди. Ё, тавба! Гўрда яна ўша илонлар пайдо бўлибди. Мулла яна баланд овозда дуо ўқигач, улар қабрни тарк этди. Гўрков марҳумни қабрга эндигина қўйганида, илонлар яна гўрга келди. Ҳатто, улардан бирининг муздек думи гўрковнинг қўлларига тегиб ҳам кетди. Гўрков ташқарига шошиб чиқар экан, илонлардан бири марҳумнинг устига ўрмалаб чиқиб бораётганини кўриб, қўрқувдан ўтакаси ёрилай деди.

Марҳумани қабрга жойлаб, ҳамма ортга қайтаётганда мулла Мўмин чолдан кампирининг қандай инсон эканлигини сўради. Шунда чол кўзларидан қатра-қатра ёшини оқизиб, унинг урушқоқ, анча тилли-жағли эканлигини айтар экан, «Бу гапларимни ер бориб айтмасин» дея секин қўшиб қўйди.

Бировларнинг дилини ноҳақ оғритишнинг оқибати ана шундай аянчли бўлишига қишлоқ аҳли амин бўлди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ**

*Муносабат*

# Иқрор

Ҳозирги кунга келиб қизларимиз мода орқасидан қувиб, сочларини ўстирмай қўйдилар. Ярашиш-ярашмаслигига аҳамият бермай қўйишди. Бундан ўн-ўн беш йил аввал деярли ҳамма хотин-қизларнинг сочи кесилмаган бўлган.

Бир куни бувимдан «Сиз ҳам соч қирққанмисиз?» деб сўрадим. Шунда бувим қуйидагича жавоб берганди:

— Эй болам! Биз соч қирқиш нималигини билмаганмиз. Ёшлик йилларимиз аёллар-у қизлар сочларини ўстириб, қирққокил қилиб ўриб юрарди. Бир киши сочини қирққудек бўлса, ҳамма унга ҳайрат ва ғазаб билан қарарди. Ота-онамиз сочимизни назорат қилиб борар эди. Ҳозирги қизларга қанча гапирмайлик, ўз билганидан қолмайди. Билишмайдики, узун сочлар ҳам инсоннинг кўркига киради. Болаларим, аслида сочни қирқиш гуноҳ ҳисобланади.

Ҳа, ўйлаб кўрсам, биз ёшлар катталарнинг гапига кирмайдиган, замонга қараб фикрлайдиган бўлиб қолибмиз. Онамизнинг, аммаларимизнинг сочи нега узун-у, бизники елкамизга тушади?

Бунга ким айбдор?

**Гулафзал АРЗИЕВА,**
**Чироқчи тумани**

Донолар дейишки...

Қололмас жаҳон ичра мангу киши,
Фақат қолғуси яхши ному иши.

**Саъдий ШЕРОЗИЙ**

*Орамиздаги одамлар*

**Падари бузруквори урушда ҳалок бўлганда Раънохон ая бир ёшда экан. Онаси икки қиз ва бир ўғилни далада кетмон чопиб вояга етказади.**

# Меҳр қолур

Болаликда кўрган-кечирганлари эсдан чиқмайди.

— Бир куни, — дея эслайди ая, — акам нонга қорнимиз қачон тўяр экан, деганида онам раҳматли, худо ҳоҳласа, шундай замон келадики, нондек азиз неъмат кўплигидан шукроналар айтасизлар, деган эди. Яратганга беҳад шукрким, онам айтган давр келди. Биз кўрган оғир кунларни ҳозирги авлод асло кўрмасин. Истиқлол шарофати билан муборак ҳаж сафарида бўлганимда, яратгандан эл-юртимизга тинчлик, хотиржамлик, файз-барака тилаб, баҳоли қудрат хайрли ишлар қилишни ният қилган эдим. Шукрки, ниятим ушалди.

Р.Муҳамедова Собир Раҳимов туманидаги Асқар Убайдуллаев маҳалласида жойлашган 2-Мурувват уйидаги етти нафар болани суннат қилишга бел боғлади.

Карнай-сурнай садолари янграб, хонандаю созандалар болаларга бир олам шавқ бағишлади. Дошқозонда ош дамланди. Тўй болаларга зарбоп чопон, дўппи кийдирилди. 10 нафардан зиёд болаларга ҳам кийим-кечаклар ҳадя этилди.

Ўнг қўл берганини чапи билмаслиги керак. Ҳожи аямиз ана шу ақидага амал қилиб яшайди. Савоб иш қилишдан тўхтамайди...

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

*Илҳом*

# Она юрт

*Ватан зўр қўрғондир,*
*буюк, бетакрор,*
*Уни асрагувчи ўғлонлар бисёр.*
*Улуғ саждагоҳдир —*
*таъзим қилармиз,*
*Она юрт тупроғин кўзга сурармиз.*

*Боболарим кўпдир,*
*суворий, мерган,*
*Ёвларга қалқондек*
*кўкрагин керган.*
*Жондан кечсалар-да,*
*ҳеч қачон бироқ*
*Ватандан кечмаган*
*Тўмарис, Широқ.*

*Темур, Жалолиддин*
*шуҳрати-шони,*
*Томиримда оқар Хоразмий қони,*
*Буюк келажакка интилсак ҳар дам*
*Шонли ўтмишимиз*
*таянчдир маҳкам.*

**Хадича РЎЗМЕТОВА,**
**ЎзДЖТУ 1-курс талабаси**

## «МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №____

Фамилиянгиз____________
Исмингиз____________
Отангизнинг исми____________
Туғилган йилингиз____________
Манзилингиз____________
____________
Иш(ўқиш) жойингиз____________
____________
Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?____________
____________



## Футбол



# Рақибларимиз нима дейди?

**ЖЧ-2010 Осиё минтақасидаги 4-саралаш босқичида футболчиларимиз билан бир гуруҳдан жой олган Австралия терма жамоаси бош мураббийи Пим Вербек вазиятга қуйидагича муносабат билдирди:**

— Гуруҳдан чиқиш учун биз анча тер тўкишимизга тўғри келади. Умид қиламанки, ҳаммаси ўз майдонимизда Баҳрайн ва Япония терма терма жамоалари билан бўладиган ўйинларда ҳал бўлади. Барча ўйинчиларимиз ўз олдиларига қўйилган вазифани жуда яхши билишади. Бизнинг дастлабки рақибимиз – Ўзбекистон. Ушбу жамоа сафида хориж клубларида тўп сурувчи жисмоний кучли ва юқори техникали футболчилар жамланишган. Тақвим бўйича Тошкентдаги ўйинга тайёргарлик кўриш учун бизда 10 кун вақт бўлади.

**Такеши Окада, Япония терма жамоаси бош мураббийи:**

— Қуръа биз учун ноқулай ёки омадсиз келди демаган бўлардим. Чунки кучсиз рақибнинг ўзи қолмади ва энди юқори савиядаги ўйинлар тажрибаси биринчи ўринга кўтарилади.

Рақиблар ҳақида иложи борича кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қиламиз. Аминманки, гуруҳдан тўғридан-тўғри чиқишимиз учун бизда барча имкониятлар бор.

Япония терма жамоасининг етакчи ярим ҳимоячиси Шунсуке Накамуранинг фикрича, 2010-йилги Жаҳон чемпионатининг Осиё минтақасидаги 4-саралаш босқичида "А" гуруҳидан ўрин олган Австралия ва Ўзбекистон терма жамоалари юқори савияда ўйин намойиш қилишмоқда.

— Австралия — асосий рақибимиз. Ушбу жамоа аъзоларининг ярми Англия премьер-лигасида тўп суради. Австралиялик футболчилар жисмоний жиҳатдан кучли. Уларга қарши асосий қуролимиз – тезкор тўп узатишни қўллашимиз керак", — дейди "Селтик" ярим ҳимоячиси.— Албатта, биз гуруҳдан тўғридан-тўғри чиқишга ҳаракат қиламиз. Иложи борича бу ишни муддатидан аввал амалга ошириш лозим. Чунки гуруҳдаги сўнгги учрашувни Австралия терма жамоаси билан ўтказамиз.

**Ўзбекистон терма жамоаси ҳақида гап кетганда Накамура шундай деди:**

— "Ўзбекистон терма жамоасида ҳам Европа усулида ўйновчи футболчилар жамланишган. Айниқса, жамоанинг ҳужум чизиғи кучли.

Баҳрайн футбол ассоциацияси котиби Абдул Азиз Ал-Ашрафнинг фикрича, 4-саралаш босқичидаги ҳар иккала гуруҳ ҳам бир-биридан кучсиз эмас.

— Японияликлар билан ўтган босқичда ҳам учрашдик ва уларни мағлубиятга учратдик. Муборак Рамазон ойига тўғри келган дастлабки икки турда узоқ сафарларни амалга оширмаслигимиздан мамнунман. Аммо шундан кейин барибир Австралияга учишга тўғри келади, — деди Ал-Ашраф.

**Қатар ФФнинг масъул котиби Абдул Раҳмон Ал-Хажрий ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён қилди:**

— Асосий эътиборни жамоанинг тайёргарлигига қаратамиз. Умид қиламанки, ушбу гуруҳ босқичи ниҳоясига етгач, биз мундиал иштирокчисига айланамиз.

Кўриняптики, барча рақибларимиз тўртинчи саралаш босқичига пухта ҳозирлик кўриш ва муваффақият қозониш ҳақида ўйлашяпти. Бироқ ҳеч бир рақибдан чўчиш ёки уларга беписандлик билан қарашнинг мавруди эмас. Жаҳон чемпионатига фақат кучли жамоалар боришга лойиқ ва умид қиламизки, бизнинг анча ёшарган терма жамоамиз ўз шижоатини намойиш этишади.



**Миллий терма жамоамиз деярли ҳар турда бир тур илгари дам олган жамоага қарши майдонга чиқишади. Футболчиларимизга кучли ирода ва омад тилаймиз.**

# Ўзбекистон — иродали жамоа!



**Рақибларимиз маълум бўлди. ОФК қароргоҳи жойлашган Куала-Лумпур шаҳрида «ЖЧ-2010»га чиқиш учун Осиё минтақаси 4-саралаш босқичи учун қуръа ташланди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси «А» гуруҳида Австралия, Япония, Баҳрайн ва Қатар терма жамоалари билан куч синашадиган бўлди.**

| «А» гуруҳи | «В» гуруҳи |
|---|---|
| Австралия | Жанубий Корея |
| Япония | Эрон |
| Баҳрайн | Саудия Арабистони |
| Ўзбекистон | КХДР |
| Қатар | БАА |

## 4-босқич ўйинлари тақвими:

**1-Тур**
*6 сентябр, 2008 йил*
Баҳрайн-Япония
Қатар-**Ўзбекистон**
Дам олади: Австралия

**2-Тур**
*10 сентябр, 2008 йил*
**Ўзбекистон**-Австралия;
Қатар -Баҳрайн
Дам олади: Япония

**3-Тур**
*15 октябр, 2008 йил*
Австралия-Қатар;
Япония - **Ўзбекистон**
Дам олади: Баҳрайн

**4-Тур**
*19 ноябр, 2008 йил*
Қатар - Япония;
Баҳрайн - Австралия
Дам олади: **Ўзбекистон**

**5-Тур**
11 феврал, 2009 йил
**Ўзбекистон** - Баҳрайн;
Япония - Австралия
Дам олади: Қатар

**6-Тур**
*28 март, 2009 йил*
Япония - Баҳрайн,
**Ўзбекистон** - Қатар
Дам олади: Австралия

**7-Тур**
*1 апрел, 2009 йил*
Австралия - **Ўзбекистон;**
Баҳрайн - Қатар
Дам олади: Япония

**8-Тур**
*6 июн, 2009 йил*
Қатар - Австралия;
**Ўзбекистон** - Япония
Дам олади: Баҳрайн

**9-Тур**
*10 июн, 2009 йил*
Япония - Қатар;
Австралия - Баҳрайн
Дам олади: **Ўзбекистон**

**10-Тур**
*17 июн, 2009 йил*
Баҳрайн - **Ўзбекистон;**
Австралия - Япония
Дам олади: Қатар

# «Сўғдиёна»га деворлар ҳам ёрдам бермади

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг 13-турида пешқадамлар "Қурувчи" ва "Пахтакор" клублари ўзларининг навбатдаги ғалабаларини қўлга киритишди. "Пахтакор" Тошкентда "Насаф" устидан 2:0 ҳисобида ғалабага эришган бўлса, Миржалол Қосимов шогирдлари меҳмонда бу йилги чемпионат кашфиёти сифатида эътироф этилаётган Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоаси дарвозасига жавобсиз бешта тўп киритишди.

Марҳамат, натижалар билан билан танишинг.

«Локомотив» — «Андижон» - 2:0, «Шўртан» — «Навбаҳор» - 1:0, «Сўғдиёна» — «Қурувчи» - 0:5, «Пахтакор» — «Насаф» - 2:0, «Нефтчи» — «Бухоро» - 2:0, «Уз ДОНГ-ЖУ» — ОТМК - 0:0 «Динамо» — «Қизилқум» - 3:1,«Машъал» - «Металлург» - 1:0.

# Яна бир легионер



Тошкентнинг "Пахтакор" клуби бразилиялик ярим ҳимоячи Фабио Пинто билан икки йиллик шартнома имзолади. "Ўзбекистон" меҳмонхонасида бўлиб ўтган таништириш маросимида жамоа вице-президенти Самвел Бабаян янги футболчига 4-рақамли футболкани топширди.

— Анчадан бери "Пахтакор" мухлислари жамоа таркибини кучайтириш ҳақида гапиришаётганди. Ўз навбатида клуб раҳбарияти ҳам бу борада турли вариантларни кўриб чиқдик.

Ва ниҳоят, Фабио Пинто номзодида бир тўхтамга келинди. Пинто 1997 йили ўсмирлар (U-17) ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионатида Бразилия терма жамоаси билан чемпионликни қўлга киритган. Ўшанда таркибда дунё футболининг юлдузи Роналдиньо ҳам бор эди. Умид қиламизки, истеъдодли футболчи "Пахтакор"нинг ўйинини янада кучайтиришга ёрдам беради, — дейди таништирув маросимида Самвел Бабаян.

— Тошкентга келишимнинг тарихи унчалик узун эмас, — деди бразилиялик футболчи. — "Пахтакор"нинг селекционерларига Бразилияда менинг ўйинларим маъқул бўлган шекилли, улар бу ҳақда менинг агентимга маълум қилишди. Ушбу таклифни яхшилаб ўрганиб чиққач, Ўзбекистонга келишга розилик билдирдим.

Шундан сўнг, Самвел Бабаян Пинтога анчадан буён ўз эгасини топмаётган 4-рақамли футболкани топширди ва бу билан "Пахтакор"нинг селекция ишлари ҳали ниҳоясига етмаганини қўшимча қилди.

**Қисқача маълумот**

Фабио Пинто – ҳужумкор ярим ҳимоячи, 1980 йил 9 октябр куни таваллуд топган.

Тўп сурган клублари: "Интернационал" (1996-98), "Овьедо" (Испания, 1998-2000), "Интернационал" (2000-01), "Галатасарой" (Туркия, 2002-03), "Гремио" (2004), "Сао Каэтано" (2005), "Куритиба" (2006), "Крузейро" (2006-07), "Куритиба" (2007).

# Денисов ҳар доимгидек фаол



Истеъдодли ярим ҳимоячимиз Виталий Денисов тўп сурадиган Днепропетровскнинг "Днепр" клуби мавсум олди ўқув-машғулот йиғинлари доирасида навбатдаги ўртоқлик учрашувини ўтказди. Олег Протасов шогирдларининг бу галги рақиби Руминиянинг "Фарул" клуби бўлди.

Ўзбекистонлик футболчи асосий таркибда майдонга тушиб, 45 дақиқа давомида ҳаракат қилди ва илк дақиқалардан майдонга тушган жамоадошлари сингари танаффусда алмаштирилди. Ушбу учрашувда "Днепр" 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Денисов Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионатининг 3-саралаш босқичи доирасидан ўрин олган тўртта учрашувида иштирок этиб, жамоа ўйинини кучайтирганди. Бош мураббий Рауф Инилеевнинг таъкидлашича, Виталий Денисовнинг маҳорати сўнгги саралаш босқичида терма жамоага асқотади.

# Акопянц — кубок соҳиби



**Ўзбекистон миллий терма жамоасининг собиқ ярим ҳимоячиси Андрей Акопянц тўп сураётган Латвиянинг "Даугава" клуби 2008-йилги мамлакат Кубоги соҳибига айланди.**

**Беллашувнинг асосий вақти эса, 1:1 ҳисобида якунланди. Ҳисобда орқада бораётган даугавпилсликлар 79-дақиқага келиб, мувозанатни тиклашга эришдилар. Андрей Акопянцнинг тўп узатишидан кейин Шимич рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди.**

**Пенальтилар сериясида омад Акопянц жамоадошларига кулиб боқди. (3:0)**

**Таъкидлаш лозимки, бу "Даугава" клуби тарихидаги дастлабки унвон ҳисобланади. "Вентспилс" эса, бешинчи маротаба Кубок финалида тўп сурди ва илк бор имкониятни бой берди.**

**ЎФФ хабарлари асосида тайёрланди.**



## Зилзиланинг зарари

Шу йилнинг 12 май куни Хитойнинг Сичуан вилоятида 7,9 балли зилзила содир бўлган эди. Ҳисоб-китобларга кўра, июн ойининг охирига келиб табиий офат натижасида ҳалок бўлганлар сони камида 71 минг кишига етган. 10 млн.дан ортиқ киши эса бошпанасиз қолган.

Вилоят раҳбариятининг маълум қилишича, зилзиладан кўрилган зарар 1 трлн. юан (153 млрд. АҚШ доллари)га тенг.



## Нефт нархи нега қиммат?

*Саудия Арабистони қироли Абдулла нефт импорт қилувчи давлатлар унинг қиммат нархига кўникишлари лозимлигини таъкидлади. Унинг гапига кўра, ушбу давлатлар нефт нархининг юқорилигидан оддий истеъмолчилар жабр кўрмаслиги учун ёнилғига солинадиган солиқни камайтиришлари зарур. «Саудия Арабистони нефт нархини, у арзон ё қимматлигидан қатъи назар, бозор талабига мос ҳолда белгилайди», — дея қўшимча қилди у.*

*Июн ойининг охирларида нефт нархи барқарор равишда 1 баррелга 140 доллардан юқори ҳолда сақланиб турди. 29 июн куни эса ОПЕК президенти Ш.Халил бу нарх 200 долларгача кўтарилиши мумкинлигини билдирди.*

*Таъкидлаш жоизки, илгарироқ бўлиб ўтган халқаро энергетика форумида Италиянинг собиқ бош вазири Романо Продининг айтишича, нефт нархининг атиги 10 доллар ошиши жаҳон иқтисодиётига 500 млрд. долларга тушади.*

## Россияда янги қоида

Россия ҳукумати ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини маст, шунингдек, наркотик моддалар истеъмол қилган ҳолда бошқарганлигини аниқлашнинг янги қоидаларини жорий қилди. Ушбу қоидалар 2008 йилнинг 1 июлидан кучга кирди.

Янги қоидаларга кўра, йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекцияси ходимлари ҳайдовчининг оғзидан алкогол ҳиди келса, у оёғида тўғри туролмаса, нутқи бузилса, юз терисининг рангида кескин ўзгариш кузатилса, мулоқот пайтида ўзини тўғри тутолмаса уни тиббий текширувга жўнатиши мумкин. Автоинспекторлар бу ҳаракатни фақат иккита гувоҳ иштирокида ва фақат текширишнинг натижаси қоғозга ёзиб бериладиган техник воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин. Ҳайдовчининг қонидаги алкогол миқдори 1,5 промилледан ошган тақдирда акт тузилади ва унга текшириш натижаси акс этган қоғоз илова қилинади.

Текширув натижаси салбий бўлган ёки ҳайдовчи текширувдан ўтишни рад қилган ёхуд тест натижасидан норози бўлган тақдирда ҳам тиббий муассасага жўнатилиши мумкин.

Ҳайдовчи организмида наркотик моддалар ёки психотроп воситалар мавжудлиги фақат тегишли рухсатномага эга бўлган кимёвий-токсикологик лабораторияларда аниқланади.





## 30 тонна олтин сотилди

30 июн куни Европа Марказий банки 30 тонна олтин сотди. Шу орқали банк қанча маблағга эга бўлганлиги ҳақида маълумот берилмаяпти. AFP агентлигининг қайд этишича, жаҳон бозорида 1 унция олтиннинг баҳоси тахминан 917 АҚШ долларига тенглиги ҳисобга олинса, мазкур савдодан банк ғазнасига 950 млн. доллар (600 млн. евро) пул келиб тушган бўлиши мумкин.

Йирик миқдордаги олтин савдоси ҳақида гап кетганда Европа Марказий банки охирги марта 2007 йилнинг ноябр ойида 42 тонна олтин сотганини ёдга олиш жоиз.

Бу олтинлар 2004 йили Европадаги давлатларнинг 15 та марказий банки билан имзоланган келишувга кўра сотилмоқда. Мазкур ҳужжат бир йилда сотиладиган олтин миқдори 500 тоннадан ошмаслиги зарурлигини кўзда тутади. Европа Марказий банки молиявий йил тугайдиган 2008 йил сентябр ойининг охиригача бошқа олтин сотмаслигини маълум қилди.

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти 2008–2009 ўқув йилига қуйидаги бакалаврлик таълим йўналишлари бўйича қабул эълон қилади:**

ПЕДИАТРИЯ ФАКУЛТЕТИ

**5720200 «Педиатрия иши» йўналиши**
**Таълимнинг кундузги шаклида ўқиш муддати — 7 йил**
**Ихтисослиги — шифокор—умумий педиатр**

ТИББИЙ-ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ

**5140900 «Касбий таълим» йўналиши**
**Таълимнинг кундузги шаклида ўқиш муддати — 7 йил.**
**Ихтисослиги — даволаш иши ўқитувчиси, умумий амалиёт шифокори.**

ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ

**5720600 — Олий ҳамширалик иши**
**Бўлимда ўқиш муддати — 3 йил**
**Ихтисослиги — олий маълумотли ҳамшира.**

***Ҳужжатлар 2008 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. «Олий ҳамширалик иши» йўналиши бўйича ижодий имтиҳон 2008 йил 24 июлда ўтказилади. «Педиатрия иши» ва «Касбий таълим» йўналишлари бўйича ҳужжат топширган абитуриентлар 2008 йил 1 август куни биология, химия, ўзбек тили ва адабиёти (рус гуруҳлари учун — рус тили ва адабиёти) фанларидан тест синовлари ўтказилади. «Олий ҳамширалик иши» мутахассислиги бўйича ҳужжат топширган абитуриентлар учун ижодий имтиҳондан ташқари 2008 йил 1 август куни биология, ўзбек тили ва адабиёти ( рус гуруҳлари учун — рус тили ва адабиёти) фанларидан тест синовлари ўтказилади.***

Қабул комиссияси манзили: Тошкент ш., Ж.Обидова кўчаси 223.
(Мўлжал: ТошПТИ қошидаги академик лицейи).
Тел.: 263-17-44, 262-33-17.
Автобуслар: 19, 115, 129.
Маршрут такси: 7, 12, 50, 51, 137.

## Халқаро ҳамкорлик

Жиноятчиликнинг тинимсиз равишда сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгариб бориши, айрим турдаги жиноятчиликнинг бир давлат ҳудудидан чиқиб, халқаро тус олиши ҳар бир давлат учун катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай шароитда давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўймасдан унга қарши курашиб бўлмайди.

Жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам жиноятчиликка қарши курашдаги халқаро ҳамкорликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Европа конвенцияси (1959) ва 1978 йилги қўшимча протокол, шунингдек, Жиноят, оилавий ва фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги конвенция (1993) ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги кўп томонлама шартномага мисолдир.

Европа конвенциясига асосан унинг иштирокчилари жиноятчиларни таъқиб қилиш масалалари бўйича бир-бирларига энг кенг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади, жиноятчиларни жазолаш сўровчи томоннинг суд органлари юрисдикциясида бўлади.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1945 йилнинг октябрида ташкил топган. БМТ уставига биноан у барча долзарб муаммолар бўйича давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик учун масъулдир. *Мамлакатларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги масалалари билан БМТ органларидан бири –Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ЭКОСОС)* бевосита шуғулланади. 1950 йили бу кенгаш таркибида Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муносабат билдириш бўйича экспертлар қўмитаси таъсис этилди. 1971 йили у Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш қўмитасига айлантирилди, 1993 йили эса *Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят адлияси бўйича комиссия* деб қайта номланди.

Халқаро ҳамкорликда *Халқаро жиноят полицияси ташкилоти (Интерпол)* алоҳида ўрин тутади. У 1923 йили Венада дастлаб халқаро жиноят полицияси комиссияси тарзида ташкил этилган. Интерпол ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотдан ҳукуматлараро ташкилотга айланди. Бугунги кунда у 170 дан ортиқ давлатни бирлаштиради. Интерполнинг олий органи Бош ассамблея ҳисобланади. Унинг сессиялари йилда бир марта ўтказилади. Ижро этувчи қўмита минтақаларнинг вакилларидан ташкил топади. Мунтазам ишловчи аппарати котибият ҳисобланади. Ҳужжатларни илмий ишлаб чиқиш учун маслаҳатчилар институти фаолият кўрсатади.

Бошқа халқаро ташкилотлардан фарқли ўлароқ, Интерпол ҳар бир мамлакатда, жумладан Ўзбекистонда ҳам ўз *миллий марказий бюроси (ММБ)*га эга.

Интерпол ўз уставига биноан мамлакатларда амал қилувчи қонунлар доирасида жиноят полицияси органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди ва ривожлантиради, жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам берадиган муассасаларни ташкил этади. Ҳар бир ММБ ўз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан, халқаро миқёсда эса бошқа мамлакатларнинг ММБ ва Интерпол бош котибияти билан мунтазам ҳамкорлик қилади.

Рустам ЖАЛОЛОВ,
НамДУ талабаси

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши, Муборак «Пахта тозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

**Нуриддин ҲАКИМОВ** ва ўғли **ИЛҲОМЖОН**нинг

фожиали вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



# Ҳақиқий аждаҳони учратиш мумкинми?

***Жанубий-Шарқий Осиёнинг тропик ўрмонлари — Малайзия, Индонезия, Жанубий Ҳиндистон, Филиппин, Суматр, Борнео дарахтзорларида 20-40 сантиметрли қанотли калтакесаклар учраб туради. Уларнинг парвози кишини ажаблантирмай қўймайди, албатта. «Учувчи аждаҳо» номини олган бу жонзотлар 60 метргача масофани қанотлари ёрдамида босиб ўтиши мумкин.***

Бу ажобтовур аждаҳочаларнинг танаси яшил, қанотлари эса ёрқин ва кўзга ташланувчан. Қанотининг юқориси тўқ яшил, сариқ, оловранг, қизил бўлиши билан бирга оқиш йўлли катта-катта доғлари ҳам бор. Пастки қисми эса оч сариқ, ҳаворанг, бинафша гули тусида бўлади. Қанотларини йиғмаган пайтда уларни ҳатто кўз илғамайди. Дарахтнинг юқори қисмида яшаганлиги учун «учувчи аждаҳолар»да хоҳлаган тарафга парвоз қилиш имкони бор. Уларнинг озуқаси турли ҳашаротлар, асосан чумолилар ҳисобланади.

# Қанча ухлаш керак?

**Кўпчилик саломатликни сақлаш ва меҳнат қобилиятини мувозанатда тутиш учун одам бир суткада саккиз соатдан кам бўлмаган вақтини уйқуга ажратиши керак, деб ҳисоблайди. Шифокорлар орасида ҳам бу қоида тарафдорлари анчагина. Бироқ ҳар доим ҳам саккиз соатимизни уйқуга ажрата олмаймиз. Баъзан эринчоқлик билан куннинг ярмини ухлаб ўтказсак, баъзан беш дақиқага бўлсин бошимиз ёстиққа тегишини орзу қиламиз. Иш, ўқиш, транспорт, кундалик ташвишларга сарфланган вақт ҳам баъзида одатдаги кун тартибини меъёрда тутиб туришга халал беради. Бу инсон учун қай даражада зарарли? Буффало университети тадқиқотчилари мана шу муаммонинг ечимини излашга киришдилар.**

**Тажриба давомида ўн йил ва ундан кўп муддатда тиббиёт қоидаларига сўзсиз амал қилиб келаётган саккиз мингдан ортиқ кўнгиллилар иштирок этишди. Барча қатнашувчиларнинг саломатлиги, ҳаёт тарзи, одатлари, энг муҳими уйқуга ажратадиган вақти ҳақида маълумотлар тўпланди. Тадқиқот натижаларига кўра, саккиз ва ундан кўпроқ вақтини уйқуга ажратувчилар инфаркт ёки инсульт каби касалликларга кўпроқ чалинишаркан. Бу касалликлар хавфи уйқу туфайли 50 фоизгача ошиши мумкин. Етти соат ва ундан камроқ ухловчиларда бундай жиддий касалликлар камроқ учрайди.**



**Бу ҳолатнинг илмий изоҳи ҳозирча топилгани йўқ. Тадқиқотчилар бу ҳолат уйқу вақтидаги нафас олишнинг тўхтаб қолиши, оёқ-қўлларнинг тортишиб қолиши билан боғлиқ бўлиши мумкин, деган эҳтимол билангина чекланмоқдалар.**

# «Белбоғи бор» сайёралар

## ёхуд Сатурн ҳалқаси сири

Сатурн — Қуёшдан кейин олтинчи ўринда жойлашган сайёра. Катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Ушбу сайёрани биринчи марта 1620 йили Галилео Галилей телескоп орқали кузатганди. 1977 йилга қадар Сатурн ҳалқаси ноёб мўъжиза сифатида эътироф этиб келинди. Айни шу йилда Уран, Юпитер каби сайёраларнинг ҳам кўз илғамас даражадаги ҳалқалари борлиги аниқланди.

Сатурнга парвоз қилган биринчи космик кема «Pioneer 11» деб ном олган. Сўнгроқ «Voyager 1» ва «Voyager 2» сайёра томон йўл олди. Ҳозирда «Cassini» учиш аппарати йўлга чиққан.



Ердан туриб Сатурннинг учта ҳалқасини кўриш мумкин. «Voyager» фотосуратлари туфайли яна тўртта ҳалқани кузатиш имкони туғилди. Бошқа сайёралар ҳалқасидан жуда аниқ ва ёрқинлиги билан ажралиб турувчи «белбоғ»нинг диаметри 250000 километр, қалинлиги 1,5 километрни ташкил этади. Унинг таркиби турли тоғ жинслари, майда тош бўлакларидан иборат. Ҳалқанинг яссиланиши икки асосий куч — гравитация ва марказдан қочувчи ҳаракат эвазига пайдо бўлган.

# Мунажжим башорати

**(7-13 июл)**

**ҚЎЙ**
Асосий вақтингизни спорт соғломлаштириш ишларига сарфлайсиз. Маиший техника воситаларини тузатиш ва уйдаги таъмирлаш ишларини олиб боришда суст бўлманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида дўстлар даврасида кўнгилли дам оласиз. Оила аъзоларингиз билан муносабатда бағрикенг бўлинг.

**БУЗОҚ**
Катта молиявий келишувлар, пул-маблағ билан боғлиқ режалар, кредит маблағлари олмаганингиз маъқул. Чунки уларни тўлашда муаммолар юзага келиб қолиши мумкин. Ҳафта давомида дам олишингиз, кўнгилочар давраларда иштирок этишингиз кутилмоқда. Таъмирлаш ишларини бу ҳафтада бошламаган маъқул.

**ЭГИЗАКЛАР**
Кўчмас мулк, уй-жойни суғурта қилдириш масалалари самарали ҳал бўлади. Зарур жойларда ҳимоя воситасини ўрнатсангиз, фойдадан холи бўлмайди. Ҳуда-беҳуда сарф-харажатлар оилавий бюджетингизга зарар келтириш мумкин. Ортиқча харажатлардан ўзингизни тийинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА**
Иш юзасидан мулоқотлар ва ижодий сафарлар яхши натижа беради. Муҳим ҳужжатларни, шартномаларни имзолашга муваффақ бўласиз. Шахсий муносабатларда эса ҳозирча бироз танаффус қилиб турганингиз маъқул. Чунки яқин кишингиз билан зиддиятларга бориб қолишингиз мумкин.

**АРСЛОН**
Кўпроқ соғлиғингизга эътибор қаратинг. Ишдаги ортиқча зўриқиш ва асабийлашишлар соғлиғингизга таъсир қилиб, кайфиятингизни бузади. Яхшиси соғлиғингизга кўпроқ эътибор қаратиш учун кўпроқ мевалар ва шарбатлар истеъмол қилинг. Дўстлар билан кўнгилочар учрашувлар кайфиятингизни кўтаради.

**ПАРИЗОД**
Муҳаббат бобида омадингиз келади. Агар дўстлик билан севгини фарқлай олсангиз оила ришталари боғланиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида иш жойингизда анчадан буён ўйлаб юрган режаларингиз амалга ошади. Яъни хизмат пиллапоясидан кўтариласиз.

**ТАРОЗИ**
Соғлиғингиз ўзига эътибор талаб қилаяпти. Жисмоний тарбия машқлари билан бирга сув муолажаларини ҳам қабул қилинг. Илм-фан борасида изланиш олиб бораётганлар ҳафта давомида зарур маълумотларни топадилар. Бу ижодий ишнинг олға силжишига ёрдам беради.

**ЧАЁН**
Анчадан буён кўришмаган қадрдон ва дўстларингиз билан тасодифий учрашув руҳиятингизга кўтаринкилик бахш этади. Кўплаб янги маълумотлар ва хушхабарларни эшитасиз. Таваккал ўйинлар, қимор ўйнашдан тийилинг. Ташқи кўринишингизга эътибор қаратинг. Рўзғор ва уй жиҳозлари сотиб олиш учун қулай вақт.

**ЎҚОТАР**
Иш жойингизда маошингиз ошиши кутилмоқда. Кредит, қарз олиш каби масалаларни кейинги ҳафтага қолдиринг. Акс ҳолда алданиб қолишингиз мумкин. Фарзандларингизни таътил кунлари мазмунли ўтиши ҳам сизга боғлиқ.

**ТОҒ ЭЧКИСИ**
Олдиндаги катта синов ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиш учун барча диққат-эътиборни ўқиш ва изланишга қаратинг. Зарарли одатларни тарк этишни маслаҳат берамиз. Ҳамкорлар билан ишлашда ҳаққонийлик ва самимийлик доимо қўл келади. Ортиқча вазнни бартараф этиш учун парҳез тутганингиз маъқул.

**ҚОВҒА**
Ҳеч бир ишда таваккал қилманг. Бу фақат режаларингизни барбод бўлишига эмас, балки соғлиғингизга ҳам салбий таъсир қилиши мумкин. Моддий масалаларда тежамкорлик ҳар доим зарур бўлади. Фақат яхши томондан ўзингизни намоён қилинг. Шундагина тақдир сизга кулиб боқади.

**БАЛИҚ**
Ўйламасдан қилган хатти-ҳаракатингиз қайғули оқибатларга олиб келади. Ундан эҳтиёт бўлиш учун мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ўзингизни тўлиқ сафарбар этинг. Ота-онангиз ва яқинларингизни зиёрат қилишни унутманг. Дам олиш кунларини яқинларингиз даврасида ўтказинг.

# Изоҳи сиздан...



— Табиатни қара Мошвой, жуда гўзал,
Покизалик балиққа хос тақдир азал.
— Мен ҳам шуни айтаманда бекажоним,
Сўлакларим оқмоқда-ку кўрган маҳал.

**Рустам САТТОРОВ,**
**Наманган шаҳри**

Ҳаво айниб, бир зумда
«Беседка»ға югурдик.
Бошламай туриб ёмғир,
Ҳайриятки улгурдик.

Тор бўлса ҳам жойимиз,
Ҳаммамизга етади.
Ёз ёмғири бир зумда
Ёғиб, ўтиб кетади.

**Асадулло МИРЗААКБАРОВ,**
**«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшмалари қўмитасининг раиси**

Бекажон, сал сурилинг,
Мен ҳам томоша қилай.
Тушликка Яратгандан
Шу балиқчадан тилай.

**Сарвиноз КОМИЛОВА,**
**II-Тошкент юридик коллежи талабаси**



Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Ishonch

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓗ белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - А.Абдуллаев
Мусаҳҳиҳ - Н. Маҳамов

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Буюртма Г— 614 | Тиражи: 10766

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.10

Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 7 8